VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

39 (360) ● 2015 йил 7 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Ў**зМТДП фракцияси масъул бўлган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси 20 қонунни инвентаризациядан ўтказди

**П**ешку туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти 43 нафар партия аъзосини бирлаштирган

**Х**алқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи саъй-ҳаракати билан "Нурафшон" МФЙ ҳудудидаги экологик назорат таъминланди

Муносабат

## Юксак эътибор ва эҳтиром

**янада кўпроқ изланишга ундайди**

***Мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинаётгани устоз-мураббийларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Ушбу сана нафақат соҳа ходимлари, балки фарзанд тарбияси, келажаги, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсад рўёбига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз учун бирдек қувончли айём ҳисобланади. Қадимдан "устоз отангдек улуғ", деган ҳикмат қалбимиз туб-тубидан ўрин эгаллаганининг боиси ҳам шу аслида.***

Истиқлол йилларида ўқитувчилик мамлакатимизда энг улуғ, энг шарафли касблардан бирига айлангани, соҳада фаолият юритаётганларнинг меҳнати давлатимиз томонидан қадрланиб, халқимиз ардоғига сазовор бўлаётгани ушбу мўътабар касбнинг обрў-эътиборини юксалтирмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Таълим соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар Ватанимиз истиқболини белгиловчи олий мақсадларни ўзида мужассам этгани бугун ўз самарасини бераётир.

> 2-бет.

Конференция






## Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш

**унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш — ЎзМТДП фракцияси фаолиятининг муҳим йўналиши**

***Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда ҳаётимизни ахборотсиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳар куни турли воситалар орқали қатор янгиликлардан бохабар бўлиб яшаш одатий ҳаёт тарзимизга айланган. Ахборот-коммуникация технологияларисиз эса бунинг сира имкони йўқ.***

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 16 январида бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг тутган муҳим ўрни мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, 2013 йилда қабул қилинган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.



*Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар*

> 2-бет.

Ушбу сонда:

### Мустақиллик — фаровон турмушимиз гарови

**ҳудудий партия ташкилотлари ўтказаётган тадбирлар ана шу ғоя тарғиботига хизмат қилмоқда**



> 5-бет.

### Нуронийлар доимий эътиборда

**бу борадаги ишларда партия гуруҳлари ҳам фаол иштирок этаётир**

> 4-бет.

### Буюк кашфиёт ва ташаббусларнинг юксак эътирофи




> 7-бет.

### Саёҳат ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

**"Ўзэкспомарказ"да 5 октябрь куни "Ипак йўлида туризм" XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди**



> 8-бет.

Сана

## Таъзим сизга, меҳридарё устозлар!

***Мактаб — муқаддас даргоҳ. Муаллим — ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш, уларга билим бериш ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган мўътабар инсон. Ҳар биримизни тўғри йўлга бошлаб, қалбимизга зиё уруғини сочган, мустақил ҳаётга йўллаган, севимли касбимизга меҳр уйғотган устоз ва мураббийларимиздан ҳамиша миннатдормиз. Шу боис Ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳар биримиз учун қадрли.***

Мамлакатимизда қалб қўрини инсон камолоти ва маърифат йўлига бахшида этган соҳа ходимларини қадрлаш, уларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатини улуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1 октябрь санасининг Ўқитувчи ва мураббийлар куни деб эълон қилиниши, унинг умумхалқ байрами даражасига кўтарилгани, сана муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табриги уларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг яққол намунасидир.

Бу йил ҳам улуғ байрам муносабати билан давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийларга табрик йўллаб, уларга ўзининг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини изҳор этди. Президентимизнинг "Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон — қаерда ишламасин, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди", деган сўзлари мўътабар инсон — ўқитувчи ва мураббийларнинг фидойилиги ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатининг юксак эътирофидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказган "Таълим-тарбия — миллий тикланиш пойдевори" мавзусидаги тадбирда шу ҳақда сўз борди. Унда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" етакчилари, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейи ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров мамлакатимизда шарафли касб эгалари — устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, бунинг самараси ўқитувчилар ва уларнинг шогирдлари қўлга киритаётган ютуқ ва марраларда намоён бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида бундан ўн саккиз йил олдин қабул қилинган таълим соҳасига қаратилган тарихий аҳамиятга эга бўлган дастурлар, шу соҳада амалга оширилган бошқа кенг кўламли ишлар, нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборганини таъкидлади.

> 3-бет.

Депутат сўров киритди

***Бугун Жиззах мамлакатимизнинг кун сайин чирой очиб бораётган, ҳар томонлама ривожланаётган саноат марказларидан бирига айланди. Кенг ва равон кўчалар, замонавий турар жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари аҳоли турмуш даражасининг тобора юксалишига хизмат қилмоқда.***

## Файзу барака атроф-муҳит мусаффолигига боғлиқ

**ЎзМТДП депутатлари бу борада муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда**

Айниқса, Юртбошимиз фармонига мувофиқ, Жиззах махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани, бу ерда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар — кўплаб саноат корхоналари янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, энг асосийси, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтиришда муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ҳудудда тадбиркорлар учун яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, берилаётган имтиёзлар улар сафининг янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

"Электрошиткомплект" масъулияти чекланган жамияти ҳудудда фаолият кўрсатаётган замонавий қўшма корхоналардан бири бўлиб, у асосан асфальт-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳаллий бозорни бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бу маҳсулотлар аҳоли орасида харидоргир.

> 4-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





MILLIY TIKLANISH
39 (360) 2015 йил 7 октябрь, чоршанба

Муносабат

# Юксак эътибор ва эҳтиром

## янада кўпроқ изланишга ундайди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жаҳон тажрибасида ноёб ҳисобланган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси реконструкция қилинди, тубдан таъмирланди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўқув муассасаларида таълим сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, таълим-тарбиянинг ўзига хос усулларини жорий этиш, салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш имконияти яратилди. Бугун фарзандларимиз жаҳон андозалари даражасида қурилган, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган мактабларда, кенг ва ёруғ синфхоналарда таълим-тарбия олаётир, юртимиз келажагига, ўз кучига ишонч ҳисси билан катта ҳаётга қадам қўймоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар йили сана муносабати билан ўқитувчи ва мураббийларга байрам табриги йўллаб, ўқитувчиларга кўрсатаётган меҳр ва эътибори кўнглимизни тоғдек ўстириб, яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан илҳом олиб фаолият юритаётган фидойи устозларга янада куч-қувват бағишлайди. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида умумхалқ байрам муносабати билан ташкил этилган бу йилги тантанада иштирок этиб, давлатимиз раҳбари табригини тинглаб, 31 йилдан буён ана шу шарафли касбда меҳнат қилиб, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек олижаноб мақсадга ҳисса қўшиб келаётганимдан фахр-ифтихор туйдим.

Президентимизнинг "Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққиларини, хорижий тилларни, замон талаб қилаётган касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, она Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, ҳимоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, ота-оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми?" деган мурожаати шарафли касбимизга бўлган меҳримизни янада орттириб, биз устоз-мураббийларни янада кўпроқ изланишга, баркамол авлод тарбиясида бундан-да фаол бўлишга ундайди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бераман. Навқирон авлодга билим бериш билан бирга уларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш — ҳаётим мазмунига айланган. Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзосиман. Таълим бериш билан бирга мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ғояси қарашларимга ҳамоҳанг партия фаолиятида фаол иштирок этишга ҳаракат қиляпман.

Байрам арафасида Президентимиз фармонига биноан кўплаб ҳамкасбларим қаторида давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ кўрилганим зиммамдаги масъулиятни янада оширди. Камтарона меҳнатим юксак баҳолангани, юқори даражадаги эътибор ҳамда эътироф кишини янада кўпроқ меҳнат қилишга, янги марраларни забт этишга руҳлантиради. Бундай имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишончни ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади.

**Назира ҚАЮМОВА,**
**"Дўстлик" ордени соҳибаси,**
**ЎзМТДП фаоли**

Конференция



# Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш

## унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш — ЎзМТДП фракцияси фаолиятининг муҳим йўналиши

***Партия миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан деб билади. Бундай стратегия глобаллашув жараёнларида халқимиз маданиятининг асослари дахлсиз сақланиб қолинишини, унинг янада ривожланишини, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари самарадорлиги оширилишини таъминлаши лозим.***

**ЎзМТДП сайловолди Платформасидан**

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ахборот соҳасини ривожлантиришга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади. Хусусан, партия сайловолди Платформасида ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, миллий ахборот хавфсизлигини, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлашга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Ушбу дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари эътиборида бўлиб келмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари партиянинг ахборот таъминоти соҳасидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мазкур тизимни тартибга солишга қаратилган қатор қонунларнинг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

ЎзМТДП фракцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги конференция партия ҳамда фракциянинг мазкур йўналишдаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилди.

Конференцияни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш, телекоммуникация тармоқларига илғор технологияларни кенг жорий этиш, соҳанинг мукаммал қонунчилик базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган юртимизда сўз эркинлиги, ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари Конституция ва қатор қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, бугунги кунда "Алоқа тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қатор қонунлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳасига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимлари, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, электрон тўловлар каби бир қанча янги хизмат турлари кенг жорий этилди. Айниқса, фуқароларнинг масофадан туриб дунёнинг хоҳлаган давлати билан ахборот алмашиши учун кенг йўл очилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сўз эркинлиги ва ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасида белгиланган вазифалар бу борадаги фаолиятни юқори поғонага кўтарди. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мазкур концепцияда белгиланган, шунингдек, Президентимиз томонидан жорий йил 23 январдаги парламент палаталарининг қўшма йиғилишида депутатлар олдига қўйилган вазифалар, 16 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ахборот соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, парламент назорати воситасида қонунлар ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ, ЎзМТДП фракциясининг ташаббуси билан "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида ижро этилиш ҳолати ўрганилди. Дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг кенг кўламли дастурини амалга оширишнинг бориши тўғрисида"ги ахборотини эшитиш белгиланган. Фракциямиз ташаббуси билан ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур парламент эшитувига тайёргарлик кўришда бугунги конференция натижалари муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоиз, бу каби саъй-ҳаракатларимиз ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий ахборот маконини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ахборотдан фойдаланиш имкониятини ошириш, миллий ахборот тизимлари ва ресурслари, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини, Интернет тармоғи миллий сегментини ривожлантиришга кўмаклашиш сингари вазифаларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади, — деди фракция раҳбари.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ахборотлаштириш муаммоларини самарали ҳал этиш, Ўзбекистоннинг глобал коммуникация жараёнларида фаол қатнашиши, миллий мафкура майдони, миллий ахборот макони муҳофазасини таъминлашни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим омили сифатида баҳолайди. Шундай экан, мазкур соҳа тараққиётига қаратилган саъй-ҳаракатларда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Конференцияда Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Файзуллаев соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди:

— Бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, турли соҳаларга ахборот технологияларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор Давлат дастурлари ишлаб чиқилаётгани, қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаётир. Бугун деярли барча тармоқларда замон талабларига муносиб равишда ахборот тизими имкониятларидан самарали фойдаланилаётгани натижасида, энг аввало, фуқароларга муайян қулайликлар яратиляпти. Шу ўринда айтиш керакки, соҳа ривожига қаратилган саъй-ҳаракатларимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бераётир. Айниқса, ахборот соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳудудлардаги ижросини таъминлашда партия фракциясининг фаол иштироки айни муддаодир.

Конференцияда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг қонуний асослари, бу жараёнда фракция аъзоларининг иштироки борасида маъруза қилди.

Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган иш дастурига мувофиқ, барча қўмита амалдаги қонунларни инвентаризациядан ўтказиш ишларини амалга оширди. Жумладан, ЎзМТДП фракцияси масъул бўлган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ахборот соҳасига оид амалдаги 20 қонунни инвентаризациядан ўтказди. Замон ўзгариши билан эскирган, ишламаётган нормаларни чиқариб ташлаш, бўшлиқлар, қарама-қаршиликлар, айниқса, қонунларнинг ижро механизмларини аниқлаш ва ўрганиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда. Мазкур жараёнларда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этяпти.

Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қатор фармон ва қарорлари, бундан ташқари, амалиётга татбиқ этилаётган муайян дастурлар ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир. Хусусан, 2013 йилда Президентимиз қарори билан қабул қилинган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури соҳанинг жадал тараққий этишида муҳим қадам бўлди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида мамлакатимизда барча автомат телефон станциялари рақамли тизимга ўтказилди. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш сифатини ошириш, имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, бутун мамлакат ҳудудида оптик толали алоқа тармоқлари барпо этиш комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва ҳозирда изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг учдан бир қисми, яъни қарийб 12 миллион киши Интернетдан фойдаланяпти, унинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробарга оширилди, Интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шунингдек, "Ўзмобайл" миллий мобил алоқа тармоғини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз аҳолисининг миллий тармоқдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бугун мамлакатимизда турли соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Масалан, суд-ҳуқуқ соҳасига ахборот-коммуникация технологиясининг татбиқ этилиши, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашишнинг электрон шакли жорий қилиниши ҳам мамлакатнинг иқтисодий ўсишига замин, ҳам фуқароларга кенг қулайликлар яратмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув, суд органларига электрон шаклда мурожаат қилиш имкониятлари бир қатор қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилиши эса тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулайликлар яратмоқда. Бугунги кунда улар солиқ ва статистика органларига электрон почта орқали ҳисоботлар топшириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳар хил турдаги рухсат берувчи гувоҳномалар, сертификатлар ва лицензияларни ҳам интерактив усулда олиш имкониятларига эга. Бундай имкониятлар, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қулайликлар яратиш ҳамда иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.

Конференцияда фракция аъзоси Марҳабо Ғафурова "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот макони шаклланиши ва уни ривожлантириш жараёнида ЎзМТДПнинг долзарб вазифалари" мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи партия сайловолди Платформасида ахборот соҳасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти, аҳамияти, партия ҳамда депутатлик бирлашмаларининг мазкур йўналишда амалга ошираётган ишларига алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, партиянинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланган ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш масалалари жуда муҳим эканлиги алоҳида эътироф этилди. Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларини ривожлантириш долзарб вазифа сифатида қаралаётган бугунги кунда унинг хавфсизлиги масаласи ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Бу борада конференция иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Айниқса, Интернет тармоғидан фойдаланишда фарзандларимиз онгида оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиш туйғусини шакллантириш, камолотга чорлайдиган эзгу интилишларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ахборот олиш маданиятини юксалтиришга эътибор қаратиш долзарб вазифа сифатида таъкидланди. Бу борада партиянинг ёшларни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш, кутубхона ва театрларга кенг жалб этишга қаратилган фаолиятини кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Шу ўринда айтиш керакки, ахборот хавфсизлигини таъминлашда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича давлат назорат инспекцияси ташкил қилинган бўлиб, у мазкур соҳада давлат назоратини амалга оширади.

Фракция аъзолари партиянинг телерадиоэшиттиришлар тизимини модернизация қилиш, миллий телерадио дастурларини бутун телекоммуникация маконида, энг аввало, мамлакатимизнинг олис минтақаларида ишончли тарзда қабул қилинадиган ҳудудларни кенгайтириш, юқори технологияли телерадио жиҳозларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган вазифаларидан келиб чиқиб, ўзларини қизиқтирган саволларни ўртага ташлади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассислари бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берди. Таъкидландики, мамлакатимиз аҳолисини рақамли телевидение билан таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бугун юртимиз аҳолисининг 54 фоизидан ортиғи рақамли телевидениени қабул қилиш имкониятига эга. Бунинг учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 20 дан ортиқ рақамли узаткичлар ўрнатилган. Ҳудудларни ахборотлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг ахборот олиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол.

Конференцияда шунингдек, "Ўзбектелеком" АК, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази, "Uzinfokom" давлат унитар корхонаси, Тошкент ахборот технологиялари университети вакилларининг соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусидаги маърузалари тингланди.

Конференция якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида келгусида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Қонунчилик палатасидаги фракциясининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, республикамизда "Электрон ҳукумат" тизимининг жорий этилиши, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кенг оммага тарғиб қилишда иштирок этиш ҳамда жойларда давра суҳбати ва семинарлар ўтказишга доир чора-тадбирлар белгиланди.



***Марҳабо ҒАФУРОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Бугунги конференцияда ахборот-коммуникация тизимини босқичма-босқич ривожлантириш учун шароитлар яратиш, партиянинг миллий ахборот маконини шакллантириш жараёнларидаги иштироки билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар қизғин муҳокама этилди. Фракциямиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг кенг кўламли дастурини амалга оширишнинг бориши тўғрисида"ги ахборотини эшитиш мўлжалланмоқда. Конференция доирасида олинган таклиф-тавсиялар, йиғилган материаллар мазкур парламент эшитувига тайёргарлик кўришда фойдаланилади.

Шунингдек, фракциямиз аъзолари сайловчилар билан депутатлар ўртасида электрон мурожаатни йўлга қўйиш тизимини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди. Бу таклиф депутатлар ва сайловчиларнинг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, электоратимиз вакилларини қизиқтираётган масалалардан мунтазам ва тезкор бохабар бўлиш имкониятига эга бўламиз.



***Элбек ДОЛИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги матбуот котиби:***

— Глобаллашув шароитида миллатнинг ўзига хослигини сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаол иштирок этиб келмоқда. Мазкур конференция шу каби масалалар муҳокамасига бағишлангани билан, қолаверса, ахборот соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятимизда муҳим ўрин тутади. ЎзМТДП ва унинг қуйи палатадаги фракцияси билан ҳамкорликда келгусида амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар режалаштириб олингани айни муддао бўлди.



***Авазбек КАРИМОВ,***
***ТАТУ магистранти, Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби:***

— Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда мамлакатимизда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода мазкур соҳада олиб бораётган изланишларимиз, яратилаётган янгиликлар давлатимиз эътиборида эканлиги бизни янада юксак марраларга ундайди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг. Бунинг учун биз ёшлар янада кўпроқ изланишимиз, шу билан бирга, ахборот хавфсизлиги, ундан унумли фойдаланиш масалаларига эътиборли бўлишимиз лозим. Конференция доирасида бу борадаги билим ва кўникмаларимизни янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлдик.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Сана

# Таъзим сизга, меҳридарё устозлар!



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилгани, хусусан, бугун ўз мевасини бераётган таълим-тарбия тизими дунё халқлари ҳавасу эътирофига сазовор бўлмоқда. Бугун фидойи устозлар сабоқ бериб, катта ҳаётга йўллаётган келажаги буюк Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар қалбида ўзига ва эртанги кунга ишонч ҳисси мустаҳкам, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксак.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, миллий кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизимини яратиш, янги ва ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълимнинг ўзбек модели дея эътироф этилувчи, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури соҳада қўлга киритилаётган натижаларда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг барчаси замон талаблари даражасида таъмирланди, юзлаб янги мактаблар қурилди. Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, "Баркамол авлод" болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш, юксак интеллектуал салоҳиятли, кенг дунёқарашга эга янги авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш, ёш авлодни жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш, таълим соҳасига қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг заҳматли меҳнатини улуғлаш, уларни қўллаб-қувватлашни асосий вазифа деб билади. Тадбирда сўз олган партия фаоллари, депутатлар ва ўқитувчилар таълим фидойилари меҳнати ардоқланиб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинаётгани бу масъулиятли ва шарафли касбни ҳаётининг мазмуни деб билган, чинакам фидойи муаллимларни ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундаётганини таъкидладилар. ЎзМТДП ўтказаётган бу каби тарғибот тадбирлари ҳам партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилиши билан бирга соҳа ходимларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

* * *

"Таъзим сизга, устозлар!" деб номланган маънавий-маърифий тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Миробод туман кенгашида ҳам юқори савияда ташкил этилди. ЎзМТДП туман кенгаши, Миробод туман ҳокимлиги, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда таълим фидойилари, ёшлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Миробод туман ҳокими ўринбосари Моҳира Раҳимбердиева устозларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга мансуб эзгу фазилат эканини, бу миллий тутумлар истиқлол йилларида янада янгича маъно-мазмун касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

— Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди, — деди тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Жиянбоев. — Бу борада кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури дунёда кам учрайдиган кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими, мукаммал таълим жараёнининг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Юртимиз зиёлилари, таълим соҳаси вакилларини ўз сафида бирлаштирган, уларни ўз электорати деб билган партиямиз бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишга интилмоқда. Депутатлар жойларда таълим соҳасидаги қонунлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, улар ижросини таъминлаш борасида депутатлик назоратини амалга ошириш, ёшлар манфаатини ифода этувчи масалаларни халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига киритишда фаоллик кўрсатишга интилмоқда.

Таъкидланганидек, эртанги кунимиз қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларимиз бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси анъанавий "устоз-шогирд" мураббийлик институтини ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш тарафдори. Партия ўз сайловолди Платформасида "Баркамол авлод" марказлари, болалар мусиқа ва санъат, спорт мактабларини ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратишни кўпайтириш, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга жалб этишни кучайтириш ва мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашишни мақсад қилган. Ўтказилаётган бу каби тадбирлар ва тарғибот ишларида ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан устоз-мураббийлар, ўқувчи ва талабалар масалалари чуқур ўрганилиб, уларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқи йўлидаги манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг олиб борилаётгани ва электорат ишончи партиянинг ҳар бир аъзосини янада фаолликка ундамоқда.

Тадбирда партия Тошкент шаҳар ва Миробод туман кенгашлари томонидан ёшларга таълим-тарбия беришда фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ устоз ва мураббийларга эсдалик совғалари топширилди.

* * *



Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Дарҳақиқат, келажак авлодга таълим-тарбия беришга, уларнинг маънавий олами, тафаккур дунёсини ўстиришга кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғи ва умрини бахшида этаётган устозлар меҳнатини ҳеч нима билан тенглаштириб бўлмайди. Истиқлол шарофати билан устоз ва мураббийларни эъзозлаш, уларнинг меҳнатини муносиб эътироф этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 29 сентябрда эълон қилинган фармонига биноан, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларнинг бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни ватанпарварлик ва юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутган маърифат фидойиларига эҳтиром кўрсатишни янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан саналади. Бу борада партия қатор лойиҳа, тадбир ва давра суҳбатлари ўтказиб келаётир. Уларда жамиятнинг барча соҳасини ривожлантиришда устоз-мураббийларнинг тутган ўрни кенг муҳокама этилаётир. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Самарқанд давлат университетида "Устозларни улуғлаган юрт" мавзусида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Субҳон Аббосов сўзга чиқиб, келажак эгаларини етук мутахассис қилиб тарбиялашда таълим тизимини янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар, мактаб таълимини ривожлантириш дастури ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури аҳамиятига эътибор қаратди. Шунингдек, у ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида ЎзМТДП вилоят кенгаши мазкур олий ўқув юрти билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

Тадбирда таъкидланганидек, дарҳақиқат, фан, таълим, маданият ва маърифат соҳаларида ўтган 24 йил ичида қўлга киритган ютуқларимиз халқаро даражадаги анжуманларда ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Зотан, жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Маънавий юксалиш — тараққиёт омили

## бу ғоя партия қуйи бўғинида кенг муҳокама қилинди

***Маънавий юксалиш миллий ўзликни англашдан бошланади. Зотан, тарихини, теран илдизларини билмаган, англамаган халқнинг келажаги бўлмайди. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, ота-боболаримизнинг илмий меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Аҳоли маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар юртимизнинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилаётир.***

Мустақиллик шарофати билан аждодларимизнинг маънавий заковати маҳсули — "Алпомиш", "Гўрўғли" сингари достонларимиз яна халқимизга қайтди, маънавий бойлигига айланди. Бу достонлар мазмун-моҳияти мактабларимизда ёшларга кенг ва чуқур ўргатилмоқда. Истиқлол йилларида халқимизга хос бағрикенглик, жасорат, эзгулик, дўстлик, садоқат ғоялари кенг тараннум этилган халқ оғзаки ижоди намуналари кенг тарғиб қилиниб, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Абу Али ибн Сино, Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари боболаримизнинг илмий асарлари юртимизга қайтарилди, уларни кенг ўрганишга киришилди. Маънавий-маърифий йўналишдаги бу каби янгиланишлар халқимизнинг қадри ва қаддини юксалтиришга, миллатимизнинг ўзига ишончини янада оширишга хизмат қилаётир. Ана шу омил бизни янги марраларни забт этишга, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашга руҳлантирмоқда. Бир сўз билан айтганда, маънавий юксалиш ва миллий тикланиш — эришган муваффақиятларимизнинг бош омилига айланди.

Пешку туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти ўтказган "Мақсадимиз — миллий тикланиш орқали ривожланган, замонавий демократик жамият сари" мавзусидаги тадбирда ўтган 24 йил давомида халқимиз маънавий ҳаётида юз берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида сўз юритилди.

— Маънавий юксалиш барча соҳадаги тараққиётнинг бош омилидир, — дейди қуйи бўғин етакчиси Лазизбек Муллаев. — Ташкил этаётган ҳар бир тадбиримизда ана шу ғоя мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ тарғиб қилиш ва тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бугунги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Кекса авлод вакиллари ўзларининг машаққатли ҳаёти, уруш даври қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилиб, бугунги тинч-осойишта ҳаёт — энг катта бойлик эканини ва унинг қадрига етиш лозимлигини уқтирдилар. Тадбирга таклиф этилган тарихчи олимларнинг салкам чорак аср олдинги маънавий ва иқтисодий ҳаётимиз ҳақидаги ҳаётий, аниқ ва қиёсий фикр ва хулосалари ёшларга истиқлол берган имкониятларни янада теранроқ англашга имкон яратди. Галдаги вазифамиз бу каби тадбирлар сони ва сифатини янада ошириш, уларда иштирок этаётган ёшлар сафини кенгайтиришдан иборат.

43 партия аъзосини бирлаштирган Пешку туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги қуйи бўғин ўтказган мазкур тадбир партиянинг сайловолди Платформаси ижросига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Зотан, миллий ўзликни англаш мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади ва миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини оширишда, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашда бебаҳо омилдир. Партия ғоялари тарғиботида мазкур бошланғич партия ташкилоти ўтказаётган "Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш демакдир", "Баркамол ёшлар обод Ватан келажаги", "Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида", "Глобаллашув жараёнлари ва мафкуравий таҳдидлар", "Кексаларни эъзозлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналишидир" каби мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Бундай тадбирлар бошланғич партия ташкилоти аъзолари, айниқса, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, миллий, маданий ва маънавий қадриятларимиз, бой тарихий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашга, партиянинг аҳоли орасидаги нуфузини, хайрихоҳлари ва аъзолари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Хроника

# Юрт келажаги — ёшлар қўлида

## партия тадбирларида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратилди

### Самарқанд

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд туман кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида "Кексалар — доим эъзозимизда" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда халқ депутатлари Самарқанд туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия ва маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда хонадонларимиз файзи бўлган кексалар, меҳнат фахрийлари ҳар қачонгидан-да қадр топмоқда, — деди ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши раиси Раҳим Наимов. — "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ёши улуғларга ҳар томонлама эътибор қаратилиб, кекса авлод вакилларига муносиб турмуш шароити яратиш, мазмунли дам олишини ташкил этиш, улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар очиш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилаётгани уларнинг саломатлигини тиклашга хизмат қилаётир.

Тадбир сўнгида кексаларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди, бир гуруҳ ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож қариялар ҳолидан хабар олинди.

### Наманган

"Китоб — ёшлар маънавий дунёсининг ноёб хазинаси". ЎзМТДП Чортоқ туман кенгашининг "Ойқирон" қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этган давра суҳбати шундай номланди.

— Китобнинг инсон маънавий дунёсига таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, — деди партия туман кенгаши раиси Дилафрўз Ҳамрохўжаева. — Яхши китоб инсонни юксак мақсадлар билан яшашга, фидойи, ватанпарвар бўлишга ундайди, бунёдкорликка даъват этади. Китоб — инсон тафаккурига қанот, маънавиятига қувват. Унинг инсон тарбиясидаги аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларни китобга ошно тутиш, уларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш маънавий-маърифий соҳадаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу, ўз навбатида, партиямиз фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Давра суҳбатида юртимизда ўғил-қизларнинг эстетик диди ва тафаккурини юксалтириш, уларни маънавиятимизга ёт, зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу борада китоб кучли тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

### Андижон

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон шаҳар кенгаши "Миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ўрни" мавзусида семинар ташкил этди. Унда вилоятда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўшимча рағбатлантириш борасида ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлари амалга ошираётган ишлар муҳокама қилинди.

— Миллий ҳунармандчилик — ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бебаҳо мерос, — деди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси, сенатор А.Турғунов. — Ана шу меросни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларидандир. Улар ижросини таъминлашда ҳудуддаги ҳунармандлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Андижон шаҳрида дўппидўз ҳунармандларга алоҳида савдо расталарини ташкил этиш, туман ва шаҳарларда ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосининг ҳолатини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам бериш масалаларига жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

Семинарда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш борасида таклиф-тавсиялар билдирилди.

### Бухоро

ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши "Ёшлар қаноти" "ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати: асосий йўналишлари, тажрибаси ва истиқболдаги вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

— Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич, изчил ривожланаётган бир пайтда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, юртимизда юз бераётган демократик янгиланиш жараёнларига таъсири кучайиб бораётир, — деди туман кенгаши раиси К.Каримов. — Ана шундай шароитда ёшлар онгига демократик қадриятлар ва миллий ғояни сингдириш, уларда шу юрт келажагига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган бунёдкорлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш партия "Ёшлар қаноти"нинг асосий мақсадларидан биридир. Бундан ташқари, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашиш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ғоят муҳим вазифадир.

Тадбирда ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланганидек, ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни амалга ошириш, партия "Ёшлар қаноти"нинг истиқболдаги вазифалари муҳокама этилди.

### Хоразм

ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмалари билан ҳамкорликда "Маънавият ва тарихий қадриятларга эътибор миллат тараққиётининг гаровидир" деб номланган давра суҳбати ўтказди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, уларда тарихий мерос, халқ анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш вазифаси белгиланган.

— Бу орқали партия юртдошларимизда фуқаролик масъулияти ва миллий ғурур туйғусини кучайтиришга, Ватан тақдири ва келажаги учун масъул, истиқлол ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялашга эътибор қаратмоқда, — деди ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши раиси ўринбосари М.Тиллаева. — Бугунги тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳам партиянинг бу борада ўз зиммасига олган вазифалари ижросига қаратилди. Маънавий қадриятларимизнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни муҳокама этилди.

Тадбирга таклиф этилган, юрт равнақи йўлида самарали меҳнат қилган, ёши улуғ инсонларнинг ҳаётий тажрибаси, хотиралари ёшларда катта таассурот қолдирди.

### Тошкент шаҳри

ЎзМТДП Юнусобод тумани кенгаши, Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоалар маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида "Халқ миллий ўйинлари" лойиҳаси доирасида "Соғлом ёшлар — юрт пойдевори" мавзусида футбол мусобақаси ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари жамоалари иштирок этди.

— Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда оммавий спорт турларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Даврон Сафаров. — Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болалар онгига маънавий ва жисмоний комилликка эришишда спортнинг роли муҳимлигини сингдириш, навқирон авлодни спортга жалб этиш партиямизнинг дастурий мақсадларидан саналади. Шунинг учун ҳам бугунги тадбирга партиямизнинг барча туман ташкилотлари ва ЎзМТДПдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатларни жалб қилдик. Мусобақа якунида ғолиб жамоалар ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирланди.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Назорат-таҳлил



# Ахборот соҳасидаги қонунчилик ижроси

## Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти мисолида ўрганилди

***Президентимиз жорий йилнинг 23 январидаги парламент палаталарининг қўшма мажлисида парламент назоратини амалга ошириш, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш масаласига алоҳида тўхталган эди. Назорат-таҳлил фаолияти давлат бошқаруви органларининг қонунлар, мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий Давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари устидан парламент назоратини олиб боришнинг муҳим шакли ҳисобланади.***

Таъкидлаш жоиз, Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси назорат-таҳлил ишларига алоҳида эътибор қаратиб, қатор қонунларнинг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиб бормоқда. Жумладан, яқинда Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганди.

Қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида бу борадаги ишлар натижалари атрофлича муҳокама этилди. Унда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент вилояти ҳокимлиги, телекоммуникация соҳаси мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ахборот соҳасида эришилаётган натижалар кўп жиҳатдан унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани билан узвий боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуни фойдаланувчиларни замонавий алоқа ва давлат интерактив хизматлари билан таъминлаш, миллий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва шакллантириш билан боғлиқ муносабатларни тизимли ва комплекс тартибга солишга хизмат қилмоқда. Қонун нормалари воситасида замонавий ва юқори технологияли миллий иқтисодиётнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Шунинг учун ҳам қонун талаблари ижросини амалда таъминлаш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Қўмита ҳар иккала ҳудудда олиб борган назорат-таҳлил ишлари давомида "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуннинг энг муҳим талабларидан бири — жойларда юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда сифатли давлат интерактив хизматлари кўрсатиш, телекоммуникация тармоқларининг фаолият юритиши ва уларни ривожлантириш борасида давлат органлари амалга ошираётган ишларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, телекоммуникация соҳасидаги ваколатли орган, давлат бошқаруви органлари қонун талабларини бажариш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширган. Алоқа инфратузилмаси ва тармоқлари, телекоммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги Дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Соҳаларга ахборот тизимларини жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларида муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилган. Шу билан бирга, қонун ижроси билан боғлиқ айрим камчиликлар, соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар мавжудлиги ҳам ўрганилди. Хусусан, давлат интерактив хизматлари кўрсатиш борасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам, Тошкент вилоятида ҳам айрим масалалар борлиги қайд этилди.

Йиғилишда умумтаълим мактабларида ZiyoNET таълим тармоғини жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу таълим тармоғини барча ҳудудда жорий этиш мақсадида Давлат бюджетидан муайян маблағлар ажратилаётгани, аммо ундан фойдаланиш самарадорлиги етарли даражада эмаслиги қайд этилиб, тегишли таклиф-тавсиялар билдирилди.

Назорат-таҳлил фаолияти давомида фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда социологик тадқиқотлар ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад истеъмолчиларнинг телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг хизматларидан қониқиш даражасини ўрганиш эди. Йиғилишда ижтимоий сўров асосида ўрганилган таҳлил натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Назорат-таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вакиллари ҳамда телекоммуникация соҳаси мутахассислари вазирлик тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, ахборот соҳасидаги битирувчиларни иш билан банд этиш, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда тизимни янада такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Депутатлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга доир масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда муҳокама этилмаганини қайд этди. Бу борада жойлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаш, уларнинг партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда ахборот соҳасини янада ривожлантириш юзасидан ташаббуслар билан чиқишга оид фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сиёсий партиялар фракциялари вакиллари назорат-таҳлил жараёнида қонуннинг амалдаги ҳолатини ўзлари аъзо бўлган сиёсий партияларнинг сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ва электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилдилар. Бу, ўз навбатида ахборот соҳасидаги ушбу муҳим қонуннинг ижроси самарадорлигини таъминлаш, унга ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баҳо бериш, замонавий талаблар доирасида янада такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон яратди. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокамалар давомида "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуннинг амалга татбиқ этилиши мамлакатда идоралараро комплекс ахборот тизими сари интеграциялашиб бораётган миллий ахборот тизими ва ресурслари, айниқса, Интернет тармоғини ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратдилар. Назорат-таҳлил ишлари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ахборот соҳасидаги мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Йиғилиш якунида ўрганиш натижалари бўйича ҳудудларда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, миллий ахборот маконини ривожлантиришга оид қонунчиликни, жумладан, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонунни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат сўров киритди

# Файзу барака атроф-муҳит мусаффолигига боғлиқ

## ЎзМТДП депутатлари бу борада муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Бироқ саноатнинг ушбу тармоғида амал қилиниши зарур бўлган меъёр ва талаблар ҳам борки, уни ҳисобга олмаслик инсон саломатлиги ва атроф-муҳит тозалигига зарар етказиши мумкин. Корхона ишга тушганидан буён мутасаддиларнинг эътиборсизлиги сабаб ундан атрофга тарқалаётган нохуш ҳид, қуюқ тутун ва чанг ҳудудга яқин жойлашган аҳоли турар жойлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, шу жумладан, Жиззах туманидаги Қангли қишлоқ фуқаролар йиғини, айниқса, "Нурафшон" маҳалласида истиқомат қилаётган аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ жамоатчилик назоратини амалга оширган мазкур фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи корхона масъулларига бир неча бор оғзаки мурожаат қилганига қарамай, ижобий натижа кўринмаётганди. Шундан сўнг, аҳоли халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига шу ҳудуд ва ЎзМТДПдан сайланган депутат Шерзод Салимовга мурожаат қилди. Депутат фуқаролар мурожаатини атрофлича ўрганиб чиққанидан сўнг, бу ҳақда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси ҳамда "Электрошиткомплект" корхонаси раҳбари номига депутатлик сўрови киритди. Унда корхонадан чиқаётган чанг, тутун ва газ ҳидидан муҳофаза этувчи керакли мосламалар ўрнатиш бўйича тегишли назорат тадбирларини амалга ошириш масаласи кўтарилди. Депутатлик сўровига мутасаддилардан ўн кун ичида жавоб олинди: аҳоли ишониб сайлаган депутат мурожаати бесамар кетмади. "Электрошиткомплект" ҚК раҳбарияти берган жавоб хатида қуйидагилар маълум қилинди: "Ташкилотимиз "ABZ INJINIRING" масъулияти чекланган жамияти илмий-ишлаб чиқариш фирмаси билан ҳамкорликда ҳудудни чангсизлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширди. Жумладан, "SPECO" ҳамда "CALONG" ускуналарининг фильтрлари алмаштирилди. Автоюклагич, бульдозер ва автосамосвалларнинг ҳаво ва иссиқлик фильтрлари янгиланди. Ҳозирда ҳар куни уч марта асфальт-бетон заводи ҳудудига сув сепилиб, унинг тозалиги ва атмосферага заҳарли газларнинг чиқишига қарши қатъий назорат ўрнатилган".

***Алишер УБАЙДУЛЛАЕВ,***
***вилоят Табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи:***

— Депутат сўрови асосида олиб борилган ўрганишлар натижасида мазкур объектда Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун талабларининг айрим меъёрларига риоя қилинмаётганлиги аниқланди. Бу масала эътиборимиздан бироз четда қолган экан. ЎзМТДП депутатининг сўрови билан масала ижобий ечим топди. Дарҳақиқат, заводдаги иш жараёни вақтида атмосферага бир қанча зарарли моддалар ажралиши аниқланди. Бунинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, инсонлар ҳаёти ва саломатлигини асраш мақсадида бу ҳолатларга чек қўйилди. Бошқарма корхонадаги чанг, газ тутиш ускуналарини жорий таъмирлаш, ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга зарар етишининг олдини олишга мўлжалланган ускуна ва жиҳозлар ўрнатиш ҳамда кам чиқитли технологияларни амалиётга татбиқ этиш борасида берилган кўрсатмаларни амалга оширди. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан мунтазам назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

***Меҳригул ҚОРАЕВА,***
***"Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли:***

— Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноат кун сайин ривожланиб, янги завод ва корхоналарнинг ишга туширилаётгани эътиборга молик. Бу орқали юртимиз фаровонлиги, одамлар турмуш даражаси юксалаётгани барчамизни бирдек қувонтиради. Вилоятимизда саноатнинг турли тармоқлари ривожланмоқда. Уларда тегишли тартиб-қоидаларга амал қилиш, табиатнинг ифлосланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Яъни, эътиборсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тартиб-қоидаларига лоқайдлик билан қараш экология ва аҳоли саломатлигига зиён етказиши мумкин. Маҳалламиз яқинидаги асфальт-бетон қоришмалари ишлаб чиқарувчи мазкур корхонада ана шундай ҳолатлар кузатила бошлагач, айрим ташкилотларга мурожаат қилдик, уларни бартараф этиш юзасидан ваъда берилса-да, лекин ўз вақтида амалий иш олиб борилмади. Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шерзод Салимовга қилган мурожаатимиз натижасида муаммога ечим топилди. Бундан маҳалламиз аҳли мамнун.

*Маҳалла — фуқаролик жамиятининг ноёб институти. Партиямиздан сайланган депутатлар ўз ваколатлари доирасида фуқаролар йиғинларига уларнинг ташаббусларини ривожлантириш, қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатларини амалга оширишларида фаол кўмаклашмоқда. Маҳаллаларда сайловчилар билан бир қанча учрашувлар ташкил этилиб, уларда табиат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини янада юксалтириш, экологик вазиятни соғломлаштириш доирасида олиб борилаётган ишлар, уларнинг самарадорлигини ошириш хусусида фикр алмашилди. Шу йўсиндаги юқорида қайд этилган амалий саъй-ҳаракатлар ҳам ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади, қолаверса, фуқароларнинг бугунги кун депутатига, сиёсий партияларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.*

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Кексаларни эъзозлаш — миллий қадрият

# Нуронийлар доимий эътиборда

## бу борадаги ишларда партия гуруҳлари ҳам фаол иштирок этаётир

***Мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида кўплаб хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган махсус давлат дастурларида ҳам нуронийлар манфаати устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда.***



"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, дастурда ёши улуғ инсонлар, энг аввало, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун ижтимоий тузилмалар томонидан моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу, ўз навбатида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия гуруҳлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида бир қатор мутасадди идора ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида жамиятда кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик фазилатларини шакллантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг аксарияти таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий жараённинг ажралмас қисми. Шундан келиб чиққан ҳолда партия гуруҳимиз вилоятимиздаги ўқув юртлари билан бирга қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошираётир. Партия гуруҳи ҳамда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда шаҳардаги "Хотира" майдонига талабаларнинг доимий ташрифини уюштириш, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳар икки ҳафтада талабалар турар жойлари ва маҳаллаларда кекса авлод вакиллари билан "Кексалари улуғланган юрт" мавзусида учрашувлар ўтказиш анъанага айланди. Университет Нуронийлар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, меҳнат фахрийси, профессор М.Жўрақулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Ҳ.Умуров, профессорлар Ж.Хўжаев, М.Муҳиддинов ва бошқалар иштирокида ўтган "Инсон қадри — азиз, ўтганлар хотираси — муқаддас", "Кексаларни эъзозлаш — инсоний бурчимиз" мавзуларидаги тадбирлар ёшларимизда катта таассурот қолдираётир. Бундай тадбирларда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг бир гуруҳига сиҳатгоҳларда бепул дам олиш ва даволаниш учун йўлланмалар топширилмоқда.

Каттақўрғон тумани Ингичка шаҳарчаси, Пастдарғом туманидаги Дўрмонтепа маиший хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежида ўтказилган шу каби тадбирларда халқ депутатлари туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари, партия ташкилотлари ҳам фаол иштирок этгани эътиборга молик. Самарқанд шаҳридаги қатор маҳаллалар гузарларида кексалар ўртасида спортнинг шахмат, шашка ва югуриш турлари бўйича мусобақалар ўтказилгани нафақат кексаларнинг спортга эътиборини кучайтирмоқда, балки ёшларни улардан ўрнак олишга ундамоқда.

Яқинда партия гуруҳимиз тегишли доимий комиссия йиғилишида кексаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳолидан хабар олишга кўмаклашиш мақсадида "Нуронийлар — эъзозимизда" патронаж ёшлар ҳаракатини ташкил этиш масаласини илгари сурди. Бунинг натижасида Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда ҳар бир факультетнинг ёш ўқитувчилари, талабаларидан иборат таркибда кўнгиллилар гуруҳи тузилди. Улар шаҳар марказида истиқомат қилувчи ёлғиз кексаларнинг юмушларига ёрдамлашиб, қарияларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилмоқда. Энди мазкур хайрли ишларни вилоятимизнинг барча ҳудудида йўлга қўйишни мўлжаллаяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбирлар кексаларимизни ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлашга хизмат қилиш баробарида бугунги дориломон, тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етиш, катталарга иззат, кичикларга меҳр, ота-оналарга эъзоз каби инсонни улуғлайдиган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қиладиган қадриятларимиз одамлар, айниқса, ёшлар қалбидан чуқур ўрин олаётгани билан аҳамиятлидир.

**Нафас ЭШҚОБИЛОВ,**
**Самарқанд давлат университети проректори, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Давра суҳбати



# Мустақиллик — фаровон турмушимиз гарови

**ҳудудий партия ташкилотлари ўтказаётган тадбирлар ана шу ғоя тарғиботига хизмат қилмоқда**

***"Инсоннинг узоқ умр кўриши унинг турмуш даражасига боғлиқ. Ғам-ташвиш, азоб-уқубат тоғни ҳам қулатади. Менинг умрим бир текис кечмаган. Салкам 80 йиллик умрим давомида ҳаётнинг кўп баланд-пастини кўрдим. Отам урушда бедарак йўқолган, онам 50 ёшга чиқмай дунёдан ўтди. Урушдан кейинги қаҳатчилик туфайли ака-сингилларимдан ҳам ажралдим. Ёлғиз ўзим ота-онамнинг, сулоламизнинг чироғини ёқяпман. Ўтмиш машаққатларини эсласам, бугунги дориломон кунларимизга шукрона айтаман. Ҳозир қирқдан ортиқ невара-эваранинг бувисиман. Уларнинг шўх-шодон кулгусини эшитсам, ўзим ҳам яшариб кетгандай бўламан. Уларнинг толеи баланд, бахти бутун: болаликнинг беташвиш кунларида яшашяпти. Истиқлол туфайли мамлакатимизда инсон, унинг шарафи бебаҳо қадриятга айланди. Бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз йўлида фидокорона хизмат қилган юртдошларимиз қадр топди. Нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётган бундай жаннатмонанд юрт, меҳр-оқибатли халқ яна қаерда бор..."***

Фарғона вилояти Риштон туманида яшовчи Бахтигул холанинг ўтмишдан қолган бу ўкинч ва армонлари, бугунги турмушидан қониқиб айтган шукронаси ҳаммамизни тўкин-сочин, фаровон кунларнинг қадрига етиб яшашга, истиқлолнинг нақадар буюк неъмат эканини янада теранроқ англашга ундайди.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик ҳаётимиз маъно-мазмуни, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмуш гарови" мавзусида ташкил этган давра суҳбати ёшларга мустақиллик берган имкониятлар мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тушунтиришга хизмат қилди. Тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табригининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этишда барча даражадаги партия ташкилотлари олдида турган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

— Юртбошимизнинг байрам табригида келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизга, уларнинг камолоти ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган, — деди тадбирда иштирок этган ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Мамлакатимиз раҳбарининг "Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники" деган даъвати шу юртда яшаётган ҳар бир ўғил-қизнинг қалбини тўлқинлантириб юборгани шубҳасиз. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш жараёнида соғлом ва мустақил тафаккурли, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш, ёшлар онгишуурига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, ибратли анъаналаримизга ҳурмат руҳини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўз олдига қўйган дастурий мақсадлари ана шу умуммиллий вазифа ижросида муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам байрам табриги партиямиз фаолият самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Мазкур нутқнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир партиядошимиз чуқур англаши лозим.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда навқирон авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Дунёда қиёси йўқ, жаҳон тажрибасидаги энг сўнгги ютуқлар билан бойитилган миллий таълим тизими ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар ўғил-қизларга замонавий таълим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун юртимизда ҳар йили 600 мингдан зиёд замон талабларига жавоб берадиган ёш мутахассислар етишиб чиқаётир. Уларнинг камида икки-уч ҳунарни эгаллаётгани, чет тиллари, Интернет ва ахборот технологияларини чуқур ўрганганини ривожланган давлатлардаги тенгқурлари билан тенг беллашишга, ҳатто, улардан ўзиб кетишга ҳам имкон бермоқда. Ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, спорт мусобақалари ва турли кўрик-танловларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб, юртимиз довруғини дунёга таратаётгани мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод вояга етаётганини намойиш қилмоқда. Бу натижалар ёшларимизнинг буюк аждодларимизнинг муносиб издоши эканидан ёрқин далолат беради.

Дарҳақиқат, ёшлик — билим ва касб-ҳунар эгаллаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятни бойитиб бориш даври. Юртбошимизнинг мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ёшларимизга "...Сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз" дея ишонч билдиргани мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонларни тарбиялашга қаратилган саъй-ҳаракатларни изчил рўёбга чиқаришда долзарб аҳамият касб этади.

* * *

Тинчликни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз яхши англайди. Юртбошимизнинг "...бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир", деган сўзлари ҳам ҳар биримизнинг дилимиздаги энг олий эзгу мақсаддир. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг турли бурчакларида кечаётган нотинч вазият, беқарорликдан азият чекаётганлар ҳақида деярли ҳар куни хабарлар тарқатилмоқда. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деганларидек, дунё саҳнидаги ана шундай таҳликали бир вазиятда ўзбек халқи юртимиздаги тинчлик-осойишталикка шукрона айтиб, ўз ҳаётидан, турмушидан мамнун, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда. Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида из қолдирмоқда. Халқимизнинг дунёқараши кенгайиб, ўзини англаш, ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва юртдан фахр-ифтихор кучайганини уларнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий кайфиятида ўз ифодасини топмоқда.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табригининг мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган тадбирда ана шулар хусусида сўз борди. Унда партия Андижон вилоят кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, тарихчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Андижон ҳам юртимизнинг барча гўшалари қатори истиқлол йилларида улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, касб-ҳунар коллежлари, спорт иншоотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш уйлари андижонликларнинг турмуш фаровонлигини оширмоқда.

— Бир вақтлар Улуғнор тумани вилоятнинг чўл зонаси, яшаш қийин ҳудуд ҳисобланарди, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Комилжон Отахонов. — Бугун Улуғнорга борган одам бунга сира ишонмайди. Туманда спортнинг бадиий гимнастика турига ихтисослашган махсус мактаб фаолият кўрсатяпти. Кеча "яшаш қийин" бўлган масканда улғаяётган иқтидорли гимнастикачи қизлар бугун қатор муваффақиятларга эришмоқда. Улар орасида мамлакат ва қитъа чемпионатлари совриндорлари ҳам бор. Уларнинг аксарияти партиямиз аъзоси. Шунинг учун ҳам Улуғнорда ўтадиган ҳар бир тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотади. ЎзМТДПнинг соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган мақсад-вазифалари мазкур тумандаги партиямиз хайриҳоҳлари сафини кенгайтирмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, 2009 йилги сайловда ЎзМТДПдан халқ депутатлари Улуғнор туман кенгашига сайланган депутатлар 4 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йилги сайловда уларнинг сони икки бараварга кўпайди.

Тадбирда қайд этилганидек, бугун ана шундай имкониятлардан баҳраманд бўлиб яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлол берган имкониятларнинг қадрига етиши, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни чуқур англаш, истиқлол ғоясига садоқат каби дастурий мақсад-вазифаларини изчил, босқичма-босқич ва тизимли амалга ошириш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашиб келмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида партиямиз нуфузини янада оширишга хизмат қилаётир.

— Мустақиллик берган имтиёз ва имкониятлар кўламини ўзим ва оилам мисолида яққол кўраман, — деди тадбирда сўз олган партия фаоли Баҳодир Исроилов. — Бундан ўн йилча бурун кичик цех ташкил қилган эдик. Тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, солиқ ва божхона енгилликларидан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Шу тариқа кичкина цех "Боғишамол текстиль" корхонасига айланди. Бугун корхонамизда 100 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Энди маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш ҳақида ўйлаяпмиз. Бунинг учун янги технологияларни сотиб олишимиз зарур. Бу корхонамизнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтиради. Зотан, давлатимиз раҳбари истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидланган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалари ва партия кенгаши фаолиятига оид таклифларини билдирдилар. Таклиф-тавсиялардан келиб чиқиб, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг келгуси вазифалари белгилаб олинди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ўтган 24 йил давомида эришган ютуқларимиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги янгиланишлар, одамлар дунёқараши ва тафаккурида рўй берган ўзгаришлар хусусида сўз борди.

— Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат, — деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят кенгаши раиси Ғайрат Қодиров. — Шу неъмат туфайли халқимиз ўзлигини, улкан маънавий меросини англади. Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи ҳар биримизни мустақилликнинг қадр-қимматини янада теранроқ англашга, уни асраб-авайлашга ундайди. Шундай экан, бугунги фаровон, тинч ва обод кунларнинг қадрига етиш, турли соҳаларда эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаш барчамизнинг, жумладан, ЎзМТДП фаолларининг ҳам доимий ва устувор вазифасига айланиши лозим.

Таъкидлаш керак, Юртбошимиз табрик сўзида мустақиллик берган улкан имкониятлар, мамлакатимизнинг тобора обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораётгани, тўғри ва ҳар томонлама оқилона йўл танланиб, унинг самарасида дунё мамлакатлари орасида давлатимиз муносиб ўрин эгаллаётгани эътироф этилди. Мустақиллик боис, миллий ўзлигимиз, шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Ёшларимизда миллий ўзликни англаш халқимизнинг маънавий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари, миллий мустақиллик, бой тарихимиз, буюк аждодларимиз мероси ва маданиятимиз билан уйғунлашиб бораётир.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ўсмоқда. Бу, энг аввало, аҳоли фаровонлигининг ошиши ва ҳаёт даражасининг яхшиланаётганида яққол намоён бўлмоқда. Истиқлол йилларида аҳоли реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани фикримизга яққол далил бўла олади.

Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимиз қиёфаси ўзгариб, юртимизнинг ҳар бир гўшаси қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Бу эса шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсон қалбида чексиз фахр-ифтихор, шукроналик туйғусини уйғотмоқда. Юрт равнақи ва ободлиги йўлида шижоат билан меҳнат қилишга ундаётир. Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни чуқур англаш, юртдошларимизда истиқлол ғоясига садоқат туйғуларини кучайтириш ва бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг энг устувор вазифаларидан саналади. Тадбирда барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик корпуси ва ЎзМТДП фаоллари бу жараёнда фаол иштирок этиши, хусусан, учрашув ва мулоқотларда ёшлар орасида юртимиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталикни қадрлаш, уларда қадриятлар, қизиқиш ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақил фикр, интилувчанлик, глобаллашув жараёнларида турли мафкуравий таҳдидларга қарши тура олиш масалаларига асосий эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Зеро, навқирон авлодда Ватан тақдири ҳамда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш эзгу ишларимиз бардавомлигини таъминлайди.

Давра суҳбати якунида таъкидланганидек, Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи муҳим манба бўлиб, учрашув ва мулоқотларда ундан кенг фойдаланиш, баён этилган фикрларни ёшларга атрофлича тушунтириш муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**Замира РЎЗИЕВА,**
**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Диққат танлов!

## "Жамият ва мен" танлови

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва Интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун ***"Жамият ва мен"*** *танловини эълон қилади.*

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар махсус йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

**Танлов йўналишлари:**
— ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
— ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
— жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

**Махсус номинациялар:**
— "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;
— "Янги авлод" мавзусидаги энг яхши мақола.

**Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби**

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2015 йил 1 январдан 1 декабригача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг мазмундорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 4 декабрга қадар Тошкент — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (0 371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

## "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида **"Йилнинг энг яхши ахборот хизмати"** ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

**Танлов шартлари**

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2015 йилнинг 1 январидан 1 декабригача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатимизнинг босма ва интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг фамилияси, исми, шарифи, ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

**Танлов олтита номинация бўйича ўтказилади:**
— йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
— йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
— энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
— йил кашфиёти;
— маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;
— журналист наздидаги энг яхши ахборот хизмати.

**Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати**

**Йилнинг энг яхши ахборот хизмати** — *жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).*

**Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари** — *жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси, исми, шарифининг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).*

**Энг яхши расмий сайт** — *давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга кундалик ташриф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг ғоявий-бадиий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.*

**Йил кашфиёти** — *жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари фамилияси, исми, шарифи матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).*

**Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш** — *давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва интернет ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.*

**Журналист наздидаги энг яхши ахборот хизмати** — *давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шаклланган журналистлар пулининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.*

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касб фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкни ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

**Танлов ғолибларига совринлар**

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материллар 2015 йилнинг 4 декабригача **"Йилнинг энг фаол ахборот хизмати"** танловига" қайди билан Тошкент — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

MILLIY TIKLANISH
39 (360) 2015 йил 7 октябрь, чоршанба

Қадр



# Бахт оғушидаги одам

***“Алпомиш” достонида шундай қуйма битик бор: “Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема, бошинг эсон, давлатингни кам дема”. Ҳа, шундай онлар бўладики, бу лаҳзанинг ўлчови, ўхшаши йўқ. Бу — мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт, ён-атрофингда севикли инсонлар жамлиги. Зеро, Алишер Навоий бобомиз айтганидек, “умр шамолдек ўткинчи, шамолга эса етиб бўлмайди. Шундай экан, вақтингни хуш ўтказ”.***

*...Мустақиллик майдонидан ўтар эканман, икки қиз ва бир ўғил неварасини етаклаб, айланиб юрган 60 ёшлардаги отахонга кўзим тушди. Унинг нурли чеҳраси мени тўхташга, суҳбатлашишга ундади. Сўрашдик, танишдик. Мирза Норматов Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманидан экан. Аввал, чўпонлик қилган, сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетини битиргач, кўп йиллар таълим тизимида ишлаган: Қарши давлат университети қошидаги лицей- интернат раҳбари, Қарши давлат университетида кадрлар бўлими бошлиғи, махсус сиртқи бўлим ўқув-услубий маркази бошлиғи бўлиб ишлаган. 2012 йилдан нафақада, қарилик гаштини сурмоқда. Суҳбатимиз расмийликдан йироқ, бир инсоннинг ҳаёт ҳақидаги ўй-хаёллари ҳақида кечди.*

**— Отахон, невaралар баҳона Тошкентни бир айланай, дебсиз-да. Момомни ҳам олиб чиққанингизда, суратга олиб қўярдим..**

— Раҳмат, она қизим, журналист билан учрашишимни билганимда, албатта, олиб чиққан бўлардим. Инсон кексайганда, шу невараларнинг гап-сўзидан, қилиқларидан, ҳатто, кичик ютуқларидан ҳам завқ оладиган бўлиб қоларкан. Шунинг ўзи катта бахтга, ҳаловатга айланар экан. Мана, бугун ҳам неваpаларга Тошкентнинг энг асосий, тарихий, чиройли жойларини кўрсатдим.

**— Қаерларга бордингиз?**

— Аввал Хадра майдонига бордик. Энди уларни — Амир Темур хиёбонини кўрсатай деб олиб келгандим. Қуюқ дарахтзорда олмахонлар ўйнаб юрганини кўриб, завқланиб кетдим. Агар осмон мусаффо, юртимиз тинч бўлмаса, шундай бўлармиди?! Агар ҳаётимиз тўкин, умримиз баракали бўлмаса, уларни кўриб, завқ туярмидик?! Шу хиёбонни айланиш кўнгилга сиғармиди?!. Бугун дунёнинг қай бурчакларида қирғинбарот уруш, қаҳатчилик, табиий офатлар юз бераётгани ҳақида эшитсак, шундай дориломон кунларга етказганига шукр айтамиз.

**— Тез-тез келиб турасизми, пойтахтга?**

— Йилда икки-уч маротаба келамиз. Баъзан момонгиз билан қишни шу ерда ўтказамиз.

**— Ҳар гал келганда, ўзгаришларни сезасизми?**

— Албатта, биз ўқиган давр билан ҳозирги кунлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Қаранг, кўчалар обод, иморатлар салобатли, замонавий. Кеча Себзор кўчаси бўйлаб Қодирий кўчаси устидан ўтган янги кўприкка чиқдик. Чиройли манзара, замонавий архитектурадан ҳайратда қолдик. Ўғлим айтдики, Тошкентда шу янги кўприк қурилиши билан автомобиллар қатнови Себзор кўчасида соатига 9,8 мингтага, Абдулла Қодирий кўчасида 5,6 мингтага етибди. Уларни дақиқаларга бўлиб кўринг... Демоқчиманки, бугун Ўзбекистонда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга, бу машиналар айнан юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг ўзи тўкинлик, фаровонлик аломати эмасми?!.

**— Инсон бахтли бўлиши учун нима керак аслида?**

— Аввало, мана шундай осойишта, тинч жамият керак. Тинчлик, соғлиқ бўлса, қолганини меҳнат билан уддаласа бўлади. Яқинда матбуотда ўқидим: хорижнинг “Эл-Висти” ахборот маркази узоқ умр кўрувчи инсонлар яшайдиган мамлакатлар рейтингини ўрганиш бўйича таҳлил ўтказибди. Унга кўра, Ўзбекистон умумий аҳолисига нисбатан юз ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича Буюк Британия ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллабди. Шу тадқиқотда дунё мамлакатлари юз ёш ва ундан ошган инсонларнинг умумий миқдори бўйича ҳам қиёсланган. Унга кўра, Ўзбекистон дунёда олтинчи ўринда қайд этилган.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача умр кўриши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида 75 ёшга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда юз ёшдан ошган 8700 табаррук отахон ва онахон истиқомат қиляпти. Булардан қувонмай бўладими?!. Дейлик, онам Бибидона Норматова ҳозир ҳаёт: 94 ёшда! Отам эса 87 ёшга чиқиб, вафот этганди.

Ўйлаб кўринг: хўш, халқимизнинг умр кўриш даражаси йил сайин узайиб бораётгани нималар туфайли? Бунинг замирида қандай омиллар мужассам? Бу, аввало, соғлом ва бахтли ҳаёт кечириш, тинч-хотиржам яшаш туфайлидир. Ўзбекистон истиқлол йилларида тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинлиги олий қадрият сифатида эъзозланадиган, иқтисодиёти изчил тараққий этиб бораётган мамлакатга айланди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий ўзгартирилиб, саноат ва инфратузилма тармоқлари изчил ривожланмоқда. Шу билан бирга, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағ йўналтирилаётир. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга кўркамлашиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

**— Ўзингиз неча ёшдасиз?**

— Етмиш ёш остонасидаман, қизим.

**— Ёш кўринасиз. Шу кунларга етгунча ҳаётнинг аччиқ-чучуги, оғир-енгилини кўргансиз, албатта. Умрингиздан розимисиз?**

— Нолисак ношукрлик бўлади. Тўғри, бу бош кўп қийинчиликларни кўрди. Мустақилликка қадар инсон қадри паст кўрилган кунларга ҳам гувоҳ бўлдик. Биргина таълим соҳасини олсак, илгари ўқувчиларда нариси билан тўрт-беш хил ўқув қуроли бўларди. Ҳозир эса бир ўқувчи яйраб билим олиши учун барча шароит бор. Кўп қатори ҳеч нарсага зориқмай яшаяпмиз, нега умримдан рози бўлмас эканман, албатта, розиман. Оддий ўқитувчиликдан ризқ, ҳурмат-обрў топдим. Кампирим билан 11 фарзандимни ўқитиб, тарбиялаб, вояга етказдим. Ҳаммаси уйли-жойли, маълумотли, ўзидан тинчиганини кўриб, албатта, шукр айтаман-да.

**— 11 фарзанд! Жуда бадавлат экансиз-ку, отахон. Невaралардан нечта?**

— Невараларимни, тўғриси, ҳисоблаганим йўқ. Қирқдан ошар-ов.

**— Ҳаётдан қийинчилик кўрмай, бирон нарсага эришиб бўладими?**

— Бўлади, фақат у бировнинг меҳнати эвазига бўлади. Меҳнат, сабр ва шукр билан ўзинг эришганнинг завқи ва ҳузури бошқача. Ҳалол меҳнат қилган инсон ўзининг бахтини, фаровонлигини, бекаму-кўст турмушини топа олади. Бахтга эришади. Ҳаётда бундай инсонларни жуда кўп кўрдим.

**— Невараларга қандай насиҳатлар, ўгитлар берасиз?**

— Уларга кўп ўқиб-ўрганиш кераклигини айтаман. Шунда ўзингиз орзу қилган касб эгаси бўласиз, дейман. Яна одобли, маънавиятли бўлинг, дейман. Бугун автобусда келаётсак, бир неварам ёши катта момога жой берди. Ичимдан хурсанд бўлиб кетдим. Ҳали 1-синфда ўқийди, лекин шунга ақли етди.

**— Ўзингиз ота-онангиздан қандай панд-насиҳат олгансиз?**

— Ота-онамиз ўша эски даврларда қийналиб, минг машаққат билан бизни тарбиялаб, вояга етказган. Талабалик пайтлари кийишга тузукроқ кийим топа олмаганман. Шунчалик ночор ҳаёт кечирганмиз-да. Отам кексайиб қолган эди, 6-7 боланинг барчасини ўқитишга маблағ topолмас эди. Шу сабаб ёш вақтимиздан ишлашга тўғри келган. Улар бизни меҳнатга, илм олишга ўргатди. Бизга ўхшаб қийналиб яшама, ўқигин, шунинг орқасидан бахт, ризқ топ, дерди. Айтганларини қилиб, кам бўлмадик.

**— Бугун кўп ота-она фарзандларим қийналмасин, деб ўзини ўтга-чўққа уриб юрганига ҳам гувоҳ бўламиз. Шу тўғрими, нима деб, ўйлайсиз?**

— Педагог сифатида бунга кўп қўшилмайман. Болани меҳнатга ўргатиш керак. У, албатта, меҳнатнинг қийинчилигини ўзи кўриши, англаши, бошидан ўтказиши лозим. Машаққатсиз топилган нарсанинг қадри ҳам бўлмайди. Бола боқиманда бўлиб қолса, мустақил ҳаёт кечиришга қийналади.

**— Ҳар инсоннинг ҳаёт ҳақида ўз хулосалари бор. Сиз ҳаётдан қандай сабоқ ва хулосалар олдингиз?**

— Менинг хулосам, боя айтиб ўтганимдек, энг аввало, ҳалол меҳнат қилиш керак. Қўни-қўшни, қишлоқдош, маҳалладош, умуман, барча билан аҳил яшаш керак.

Доноларнинг шундай гапи бор: “Эй, фарзанд, улуғ аллома даражасига етган тақдирингда ҳам, сенга яшаш ва инсонларга яхшилик қилиш йўлини ўргатган устозингни унутма”. Ўқитувчилик касбини танлаганимдан ҳеч афсусланган эмасман. Касбни ҳар ким ҳар хил бажаради. Биров виждонан бажарса, кимдир хўжакўрсинга. Болаларни ташлаб кетиб, ҳозир келаман, деб, қўнғироқ чалинганда келиб дарс ўтадиган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас...

Энди мактабга ишга борган вақтимда ўқитувчилар жуда оз бўлиб, мактаб директори тил-адабиёт ўқитувчиси эди. Ҳамма дарс менга қолди. Шунда 30 соат дарс беришганди. Тил-адабиёт дарси биласиз, кўп гапириш ва ёзишни талаб этади. Жағим толиб қолар эди. 50 йилга яқин ўқитувчилик қилган бўлсам, ҳамиша дарсни юзаки ўтмасликка тиришдим. Минглаб шогирдларим раҳмат айтишди.

**— Қашқадарёликлар, айниқса, бахшиларни кўп ҳурмат қилади. Сиз ҳам миллий чолғуларни чертиб турасизми?**

— Отам яхши дўмбира чертарди, қўшиқлар куйларди. Йигирмага яқин достон билар эди. Атроф ҳудудларда элнинг яхши кунларида хизмат қиларди.

Гўрўғли достонидан “Кунларим” термалари ёдимда қолган. Ҳозир укам Баҳодир шуни давом эттиряпти...

*“Олтин олма, дуо ол”. Нақадар ҳақ сўз. Дуо инсон қалбига, унинг руҳига қанчалик куч-қувват бағишлашини ҳамма инсон билганида эди, умр бўйи фақат дуо олиш учун эзгу ишларга қўл урган бўларди. Шундай пиру-бадавлат, дуогўй кексаларимизни эъзозламай бўладими?*

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**журналист**
*Муаллиф олган сурат*

Матбуот анжумани

# Коинот тадқиқи давом этмоқда

***2016 йилдан 150 миллион юлдузни ўз ичига оладиган Майданак юлдузлар каталогини тузиш ишлари бошланади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти Хитой фанлар академиясига қарашли Миллий астрономия обсерваторияси билан Майданакдаги кўзгусининг диаметри 1 метр бўлган телескопни модернизациялаш ишларини давом эттирмоқда.***

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган “Астрономия фани истиқлол йилларида” мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фаннинг барча йўналиши қатори астрономия соҳасини жадал ривожлантириш, илғор илмий ишланмаларни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институтида юлдузлар каталогини тузиш, осмон жисмларининг ноёб ҳаракатлари ва тузилишини ўрганиш каби қатор илмий масалалар юзасидан фаолият олиб борилаётир.

Институт олимлари аниқ вақтни ўлчаш, шаҳар ва аҳоли пунктларининг географик координаталари ва уларнинг вақт билан ўзгаришини, табиий офатларнинг рўй бериш эҳтимоллигини аниқлаш каби кўплаб амалий масалалар устида изланиш олиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1993 йилдаги Майданак обсерваторияси ва унга қарашли комплексларни ривожлантириш ҳақидаги фармони ижроси бўйича институт ходимларининг халқаро ҳамкорлиги бунда муҳим омил бўлмоқда. Олимларимизнинг Япония Миллий астрономия обсерваторияси, Жанубий Корея университетлари ассоциацияси, Германия, Франция обсерваториялари тадқиқотчилари билан ҳамкорликдаги илмий изланишлари соҳани янада кенгроқ тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Буларнинг натижасида Майданак расадхонаси астроиқлими, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги бўйича ҳам жаҳондаги энг нуфузли обсерваториялар сафидан ўрин олган.

— Ўзбекистон астрономик тадқиқотлар, соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди, — дейди институт директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эгамбердиев. — Бунга давлатимизнинг соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш ҳисобидан эришилмоқда. Олимларнинг изланишлари самарасида Самарқанд кичик сайёраси, бир қатор сайёралар кашф этилди. Шу билан бирга, бу тадқиқотлар мамлакатимиз ҳаётининг геодезия, картография, гидрометеорология, қурилиш, архитектура, муҳандислик каби соҳаларида жадал татбиқ этиб келинмоқда.

Институтда кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугун Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд ва Қарши давлат университетларида астрономия, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтларида физика ва астрономия мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Институт кўмаги билан олий ўқув юртларида олтита ўқув обсерваторияси ишга туширилди. Энди астрономия ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган бакалавр ва магистрлар учун амалий машғулотлар билан бирга илмий изланишларни мазкур ўқув обсерваторияларида амалга ошириш имкони яратилган.

Анжуманда журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Реклама ўрнида

# “Микрокредитбанк”

**тадбиркорларнинг ишончли ва яқин кўмакдоши**

MIKROKREDITBANK

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоизи хусусий бизнес-субъектлари ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам соҳага қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.***

Бугун мамлакатимиздаги йирик молия муассасаларидан бири — “Микрокредитбанк” АТБ аҳоли, айниқса, тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Банк маблағлари, замонавий хизматлари орқали ўз омонатларини кўпайтираётган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўкинлигига, ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор ҳамюртларимизнинг муваффақиятларини кузатиб, бунга яна бир карра амин бўляпмиз. Албатта, буларнинг барчаси аҳолининг замон талаблари асосида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётган банкларимизга ишончи тобора мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Андижон туманидаги “Муқимий” фермер хўжалиги 1993 йилда ташкил этилганда дастлаб 2 гектар ери, 5-10 бош қорамоли бор эди, холос. Бугун экин майдони 78 гектарга, парвариш қилинаётган қорамоллар сони эса 460 бошга етди. Улар “Микрокредитбанк” АТБ Куйганёр филиали мижози. Жорий йилда хўжалик аъзолари 22 гектар майдонда сара дон етиштириб, ҳосилдорликни 60 центнердан оширди. Ҳар бир сигирдан кунига 10-12 литрдан сут соғиб олинмоқда. Вилоятдаги “Nestle” компаниясига ҳар йили 300 тонна сифатли сут топширилиб, аҳолига 14-15 тонна гўшт етказиб берилмоқда. Хўжаликда 36 ишчи меҳнат қилаётган бўлса, унинг асосини касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ташкил этади.

— Банкнинг Куйганёр филиалидан олинган 200 миллион сўм кредит эвазига Германия ва Польша давлатларидан 50 бош “Голштино-фриз” зотли наслдор қорамолларини сотиб олдик, — дейди “Муқимий” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодиржон Рустамов. — Бунинг натижасида 10 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладик. Кредитдан самарали фойдаланаётганимиз боис ҳеч бир қийинчиликсиз олган қарзимизни ўз вақтида қайтаряпмиз.

Мазкур фермер хўжалиги келгусида ҳам фаолият кўламини ривожлантириб, маҳсулот турларини кўпайтириш, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, ишчилар сафини кенгайтириш ниятида. Зеро, бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари соҳа вакилларига янада қулай шароит ва рағбат яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, жорий йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан соҳага оид қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди. Қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар туфайли хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг янада эркин ривожланиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилди. Бу эса, тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратмоқда.

— 2011 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман, — дейди Зарбдор туманидаги хусусий корхона раҳбари Уллижон Отажонова. — Қабул қилинган янги қонун биз каби хусусий тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратмоқда. 2015 йил 1 июлдан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Корхонамизни кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтиришда “Микрокредитбанк”нинг молиявий кўмаги катта эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Ушбу банкнинг Зарбдор филиали томонидан ажратилган 28 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига замонавий ва самарали тикув машиналари харид қилиб, 6 турда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энди корхонамиз туман аҳолисига сифатли ва бежирим трикотаж маҳсулотларни етказиб бермоқда. Коллеж битирувчиларидан 4 нафарини ишга олдик. “Устоз-шогирд” йўналишида иш ташкил қилганмиз. Келгусида доимий ҳамкоримиз “Микрокредитбанк” билан алоқамизни янада мустаҳкамлаймиз.

Бундай эътибор ва рағбат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада ривожланишига, уларнинг имкониятлари тобора ортишига замин яратади. Ҳар бир ишбилармон бозорни ўрганиб, ишни пухта режа асосида ташкил этиб, ўз ўрнини топишида юртимиздаги молия муассасалари яқиндан кўмакчи бўлмоқда.

— Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди “Боёвут барака нон” МЧЖ раҳбари Шерали Қорабеков. — Айниқса, бу борада банк хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Маълумки, тадбиркорлик фаолиятидаги муваффақиятлар молиялаштириш масаласининг тез ва ижобий ҳал этилишига боғлиқ.

Банк кредитлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳага қаратилаётган эътибор туфайли қишлоқ жойларда ҳам кичик корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Кичик бизнес тадбиркорлар учун фойда олиш, ёшларни иш билан таъминлаш ва оилавий бюджетни яхшилаш имконини беради.

Мисол учун, туманимизда ҳам сўнгги йилларда кўплаб кичик корхоналар, ишлаб чиқариш мажмуалари фаолият юрита бошлади. Аҳолини сифатли, арзон нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида “Боёвут барака нон” МЧЖни ташкил этдик. 2013 йилда “Микрокредитбанк”дан 31,5 миллион сўм кредит олдик. Унинг ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Бу эса ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг янада сифатли ва рақобатбардош бўлишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга 2 та янги иш ўрни яратилди. Айни кунда корхонамизда 6 ёш мутахассис меҳнат қилмоқда. Бугун маҳсулотларимиз сифатлилиги ва бозорбоп нархларда сотилаётганлиги харидорлар сафининг кундан-кун кенгайишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Хусусан, “Микрокредитбанк” касб-ҳунар коллежларини битириб, ўз йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида юрган йигит-қизларга микрокредитлар ажратаётгани кўплаб ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига замин яратмоқда. Каттақўрғонлик Рустам Жабборов коллежни тугатгач, компьютер хизмати ташкил этишга оид бизнес-лойиҳа тайёрлаб, “Микрокредитбанк” Каттақўрғон шаҳар филиалига мурожаат қилди. Унинг лойиҳаси банк ходимларига ҳам маъқул келди. Олинган 7,9 миллион сўм имтиёзли кредитдан самарали фойдаланди. 2-3 нафар тенгқурларини иш билан таъминлади. У айни кунда янги лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Балиқчилик Муаззам Аҳмедова эса банкдан олган 3,9 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, аҳолига бир неча турда сифатли қандолат маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Микрокредитбанк” бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тажрибага, молия бозорида ўз ўрнига эга. Кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Бу эса мижозларнинг “Микрокредитбанк”га бўлган ишончини оширади ва уларнинг яқин кўмакдоши бўлишига хизмат қилади.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бизнинг шарҳ

# Буюк кашфиёт ва ташаббусларнинг юксак эътирофи






***"Нобель — инсониятнинг ўзини-ўзи тақдирлаш мукофоти", — дея таъриф берган эди унинг 2010 йилги физика йўналишидаги совриндори, британиялик олим Андрей Гейм. Ҳа, бу юксак мукофот ҳар йили инсониятга энг кўп наф келтирган — буюк ишлар, оламшумул кашфиётлар учун берилади. Ана шундай эътирофга лойиқ кўрилган кашфиётлар борки, бугун ҳаётимизни уларсиз тасаввур қила олмаймиз. Масалан, рентгент нури, радиоактивлик ҳамда пенициллин каби кашфиётлар. Ўз вақтида кўплаб машҳур олимлар қаторида таниқли сиёсатчилар, ёзувчилар, иқтисодчилар ҳам мазкур мукофот билан тақдирланган. Хўш, дунёдаги энг нуфузли ва номдор бу мукофотнинг таъсис этилишига нима сабаб бўлган? Унинг илм-фан тараққиётидаги аҳамияти қандай?***

**"ДИНАМИТ ОТАСИ"**

Кимёгар, муҳандис, кашфиётчи сифатида башарият тарихида ўчмас из қолдирган Альфред Бернхард Нобель 1833 йилнинг 21 октябрида Швециянинг Стокгольм шаҳрида муҳандислар оиласида туғилди. Нобель 1894 йилда "Бофорс" номли йирик металлургия концернига асос солади. Ҳаёти давомида катта бойлик орттирди. Йигирмадан ортиқ мамлакатларда ўзининг компанияларини ташкил этди. Бироқ унинг асосий даромад манбаи — амалга оширган 355 кашфиёти бўлиб, улар орасида энг машҳури динамит портловчи моддаси эди. 1888 йилда Швецарияда Альп тоғларидаги Сен-Готард туннели қурилишида динамитдан илк марта кенг фойдаланилди. Бу Нобелга катта шуҳрат келтирди. Нобель беш тилни мукаммал билган, адабиётнинг ашаддий ихлосмандларидан бўлган, шеър ва ҳикоялар ёзган. Нобель мукофотини таъсис этиш ғоясининг юзага келиши эса ўзига хос тарихга эга. 1888 йилда Россияда Альфред Нобелнинг акаси — Людвик вафот этади. Мухбирларнинг хатоси билан газетада унинг акаси қолиб, Альфред Нобелнинг вафот этгани тўғрисидаги эълон босилади. Альфред француз тилидаги газетада ўзининг ўлими хусусидаги таъзияномани ўқиб қаттиқ таъсирланади. Ана шу воқеадан сўнг у инсонлар хотирасида нима билландир мангу қолиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлайди. Мана шундай мақсад йўлида ўлимидан сўнг мукофот таъсис этиш учун мол-мулкини васият қилиб қолдиради. Альфред Нобель 1896 йилнинг 10 декабрида Италиянинг Сан-Ремо шаҳридаги вилласида миясига қон қуйилиши оқибатида вафот этади. Унинг васиятномаси 1897 йилда эълон қилинади.

**ОЛТИ ЙЎНАЛИШ — ОЛТИ МУКОФОТ**

Альфред Нобелнинг васиятига кўра, ундан кейин қолган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди. 1901 йилдан бошлаб Нобель мукофотини қўлга киритганларга ҳар йили мазкур жамғармага келиб тушадиган даромад беш қисмга тенг тақсимланиб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берила бошланди. 1968 йилда Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати билан иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини ҳам таъсис этди. Мазкур мукофот ҳам худди шу тартибда топширилади. Фақат харажатлар давлат банки ҳисобидан қопланади. Нобель мукофоти Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ бўлган маблағдан иборат. Альфред Нобелнинг васиятига кўра, мукофот совриндорларини аниқлаш ва эълон қилиш вазифаси Стокгольмдаги Қироллик фанлар академияси (физика, кимё, иқтисод бўйича), Стокгольмдаги Қироллик тиббиёт-жарроҳлик институти (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академияси (бадиий асарлар бўйича) зиммасига юкланган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотини Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари топширади.

Нобель жамғармасининг низомига мувофиқ, мукофот билан ташкилотлар эмас, балки алоҳида шахслар тақдирланади. Тинчлик йўлидаги Нобель мукофоти эса бундан мустасно бўлиб, у алоҳида шахсларга ҳам, ташкилотларга ҳам топширилиши мумкин. Низомга мувофиқ, бир йўналиш бўйича уч кишигача мукофотланиши мумкин. Бир йўналишда уч киши мукофотга лойиқ деб топилса, унинг пули тенг тақсимланади. Вафот этган инсонларга Нобель мукофоти берилмайди. Номзодлар сентябрь ойидан бошлаб кейинги йилнинг 31 январига қадар тақдим қилиниши керак.

Ҳар йили октябрь ойида дунё жамоатчилигининг эътибори Стокгольм ҳамда Осло шаҳарларига қаратилади. Сабаби мазкур шаҳарларда Нобель мукофоти совриндорларининг исм-шарифи эълон қилинади. Мукофотни тантанали топшириш маросими 10 декабрь — Альфред Нобель вафот этган кунда Стокгольм Концерт залида ўтказилади. Ғолиблар медаль, диплом ва пул мукофотини шахсан Швеция қиролининг қўлидан қабул қилиб оладилар. Тинчлик учун Нобель мукофотини эса Норвегия Нобель комитети раиси Осло шаҳрида мамлакат қироли шоҳидлигида топширади. Маросим чоғида анъанага кўра Нобель мукофоти совриндори сўзга чиқади. Ўтган йили ғолибларнинг ҳар бири 8 миллион швед кронаси (1,1 миллион доллар) билан тақдирланган эди.

**МАТЕМАТИКЛАР АРМОНИ**

Ҳамма муҳим соҳа ва фан ҳам Нобель мукофотига лойиқ кўрилмаган. Хусусан, математика ва информатика. Аввалига Нобель математикани мукофот топшириладиган фанлар қаторига киритади. Кейин эса уни бу рўйхатдан ўчириб ташлайди. Унинг нега бундай қарорга келгани ҳалигача номаълум. Бироқ бу борада бир қанча тахминлар бор. Манбаларда келтирилишича, бу машҳур швед математиги Миттаг-Леффлер билан бевосита алоқадор бўлиб, Нобель уни ёқтирмаган. Бунга сабаб Альфред Нобелнинг севгилиси Софи Хесснинг математикка турмушга чиққани сабаб бўлган, дея изоҳлашади. Бироқ бир қатор олимлар ўз даврининг машҳур математикларидан бири бўлган Миттаг-Леффлерни ўша вақтда Нобель мукофотига энг муносиб номзодлардан бири бўлганини таъкидлашган. Нобель жамғармаси ижроия қўмитасининг директори бунга қуйидагича изоҳ беради: "Архивларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Энг яқин хулоса шуки, математика Нобелнинг қизиқишларига унча мос келмаган. У мукофот учун ажратиладиган маблағни ўзи ёқтирган соҳалар учун сарфланишини хоҳлаган".

Бугун ана шундай кемтикликларни тўлдириш мақсадида математиклар учун ҳам махсус Филдс, Абелев, информатика соҳасида эса Тьюринг сингари нуфузли мукофотлар таъсис этилган.

**"НОБЕЛЬ"ДАН ВОЗ КЕЧГАНЛАР**

Тарихда Нобель мукофотидан воз кечган инсонлар ҳам бўлган. Улардан бири машҳур француз ёзувчиси, инсон психологиясининг юксак билимдони Жан-Поль Сартр. У 1964 йилда Нобель мукофотига лойиқ кўрилганига қарамай, ундан воз кечади. "Мен асарларимни ёзиш жараёнида етарлича тақдирландим. Нобель мукофоти эса эришганларимга ҳеч нарса қўша олмайди. Аксинча, у мени таҳқирлаган бўлади. Бу мукофот эътироф этилиш умидида юрганлар учун. Мен эса анча кексайдим. Ҳаётимда қилган барча ишимдан мамнунман. Бу менинг ҳақиқий мукофотимдир. Мен бошқа ҳеч қандай мукофотни хоҳламайман, чунки ҳеч бир нарса эришганларимдан устун бўла олмайди", — деган эди Сартр мукофотни рад этганига изоҳ бериб.

1973 йилда вьетнамлик сиёсий арбоб Ле Дик Тхо АҚШ давлат котиби Генри Кисинжер билан бирга "Вьетнамдаги зиддиятларни бартараф этишдаги ҳамкорлик учун" Нобель мукофотига лойиқ кўрилади. Айнан унинг саъй-ҳаракатлари асосида Америка делегацияси билан узоқ олиб борилган музокаралардан сўнг урушни тўхтатиш ҳамда Вьетнамда тинчлик ўрнатиш юзасидан Париж тинчлик шартномаси имзоланади. Шунга қарамай, бу ерда фуқаролар уруши яна икки йилга чўзилади. Шу боис, Ле Дик Тхо ўзини мукофотга лойиқ эмас, деб ҳисоблайди ва ундан воз кечади.

**2014 ЙИЛГИ ИХТИРОЛАР**

Иқтисодиёт йўналиши бўйича 2014 йилда Нобель мукофоти франциялик таниқли иқтисодчи, Тулуза университети профессори Жан Тиролга "Бозорнинг кучи ва уни бошқариш таҳлили" учун насиб этди. "Бозорнинг икки томони мавжуд ва уни бошқариш ностандарт усуллар ҳамда ёндашувни талаб этади", дейди у. Жан Тирол микроиқтисодий таҳлил соҳасида 100 дан зиёд мақола ва 6 китоб ёзган. У бир неча йирик компаниялар ҳукмронлик қилаётган тармоқларни қандай қилиб тартибга солишни тушунтириб берди.

Кимё соҳасида мукофот билан Эрик Бетциг, Штефан Хелл ва Уильям Морнер тақдирланди. Олимлар майда заррачалар тузилишини ўрганиш имконини берувчи юқори аниқликдаги флуоресцент микроскоп ишланмаси учун нуфузли мукофотга лойиқ кўрилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кашф этилган микроскоп орқали алоҳида тирик молекулалар структурасини ўрганиш ва янги дори воситаларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Ушбу микроскоп олдинги ёруғлик микроскопларига қараганда бирмунча устунликка эга.

Физика йўналишида эса япониялик олимлар — Исаму Акасаки, Хироши Амано ва Шюжи Накамура янги тежамкор ва экологик тоза ёруғлик манбаи — мовий диод лампаларни ихтиро қилганлиги учун Нобель мукофотига сазовор бўлдилар. Тиббиёт йўналиши бўйича мукофот тадқиқотчилар Жон О'Киф ва эр-хотин Май-Брит ва Эдвард Мозерга бош мия тўқималари биологияси устида олиб борган изланишлари учун топширилди.

Адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти эса француз ёзувчиси Патрик Модианога насиб этди. Ёзувчи инсоннинг ақл бовар қилмас тақдирини уруш хотираларига таяниб ажойиб тарзда бадиий тасвирлагани учун Нобель мукофоти билан тақдирланди. 2014 йилда тинчлик йўналиши бўйича мукофотга болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар — покистонлик 17 ёшли қиз Малала Юсуфзай ва ҳиндистонлик Кайлаш Сатьярти сазовор бўлди. Уларга болалар ва ўсмирларга жабр-зулм қилишга қарши ҳамда болаларнинг ўқишга бўлган ҳуқуқлари йўлида олиб борган кураши учун Нобель мукофоти берилди. Малала Юсуфзай ушбу мукофот тарихида унинг энг ёш соҳибига айланди.

***Бу йил Нобель мукофоти қандай кашфиётлар учун ҳамда кимларга берилиши ҳаммани қизиқтираётгани аниқ. Айни пайтда тиббиёт ва физика йўналиши бўйича тақдирланганлар номи аниқланди. 2015 йилнинг тиббиёт бўйича Нобель мукофоти паразит қуртлар чақирадиган инфекцияларга қарши тура оладиган малҳам яратган тадқиқотчилар — Уильям Кэмпбелл ва Сатоши Омура, шунингдек, безгак касалини даволашда самарали таъсир этувчи янги дори воситаси — артемизинни яратгани учун Юю Туга берилди. Физика бўйича Нобель мукофоти эса "нейтрино ўз ҳолатини ўзгартириши мумкинлигини кўрсатадиган тажрибаларга қўшган ҳиссаси учун" япониялик Такааки Кажита ҳамда канадалик олим Артур Макдональдга насиб этди. Яқин кунлар ичида қолган йўналишлар бўйича ҳам Нобель мукофотини қўлга киритганлар номи эълон қилинади.***

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Кўчкининг кучи

**4 октябрга ўтар кечаси Гватемалада юз берган кучли ер кўчкиси туфайли қурбонлар сони 144 кишига етди.**



Фалокат оқибатида 125 уй қалин тупроқ остида қолди. Бундан аввалроқ мамлакатнинг Санта-Катарина-Пинула қишлоғида содир бўлган ва мамлакат тарихидаги энг фожиали ҳодиса сифатида эътироф этилаётган кўчки оқибатида ҳалок бўлганлар сони 102 нафарга етган эди. Бедарак йўқолганлар сони 300 нафарни ташкил этмоқда. Қутқарувчилар тупроқ остидан тирик қолганлар топилишига умид йўқлигини айтмоқда. Шунга қарамасдан, ҳодиса содир бўлганидан 72 соат вақт ўтгунига қадар қидирув ишлари олиб борилади.

### Антиқа топилма

**Мичиган штатида яшовчи фермер Жеймс Бристл ўзига тегишли буғдой даласида ишлаётганида мамонт суягини топиб олди.**



Бристл дарҳол Мичиган университети қошидаги палеонтология музейига қўнғироқ қилиб, унинг ходимларини ўз даласига чорлади. Олиб борилган текширув ишлари натижасида суяк чиндан ҳам мамонтга тегишли эканлиги тасдиқланди. Воқеа жойига профессор ва талабалар етиб келиб, бу ерда қазишма ишларини олиб бормоқда. Айни пайтда жониворнинг 20 фоиз суяклари, шу жумладан, бош чаноғи топилди. Олимлар мамонт суякларини ўрганиш асосида унинг бундан тахминан 10-11 минг йил аввал яшаганини тахмин қилмоқда.

### 110 ёшли электр автомобиль

**Данияда ўтказилган "Bonhams" аукционида 1905 йилда ишлаб чиқарилган ва ягона нусхада сақланиб қолган "Woods Electric Style 214A Queen Victoria Brougham" электрокари сотилди.**




Автомобиль учун 632,5 минг дания кронаси (94,5 минг доллар атрофида) тўланди. Машинани 1899 йилда Чикаго шаҳрида асос солинган "Woods Motor Vehicle Company" компанияси ишлаб чиқарган. Автомобилнинг оғирлиги 1 минг 179 килограмм бўлиб, соатига 48 километр тезликда ҳаракатлана олади. 110 йил аввал ушбу машина нархи 3 минг доллар бўлган. Ўз даврида "Woods" компанияси ҳар йили 500 га яқин электр автомобил ишлаб чиқарган. Бироқ 1918 йилда фирма касодга учрайди ва фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади.

Рангин дунё

# Энг узун ва қиммат кўприк

***Япония фан-таълим ва технологиялар соҳасидаги кашфиётлари билан дунёни лол қолдириб келади. Кунчиқар юртдаги Акаси-Кайкё осма кўприги нафақат япон халқи, балки инсониятнинг муҳандислик соҳасида эришган улкан ютуғидир. Айни пайтда у дунёдаги энг узун ва қиммат кўприк ҳисобланади. Мазкур иншоот Акаси бўғози билан ажралиб турувчи икки орол — Хонсю ва Авадзини бирлаштириб туради. Акаси-Кайкёнинг узунлиги — 3911, баландлиги 298 метр бўлиб, унинг қурилишига 4,4 миллиард доллар сарфланган.***



Кўприк қурилган вақтда у нафақат дунёдаги энг узун, балки энг баланд кўприк саналган. Бироқ орадан кўп ўтмай, Францияда баландлиги 341 метр, яъни Париж шаҳридаги Эйфель минорасидан ҳам 17 метрга юксак, дунёдаги энг баланд — Виадук Мийо кўприги қурилиши билан мазкур рекорд янгиланди. Шундай бўлса-да, Акаси-Кайкё дунёдаги энг узун ва энг баланд осма кўприк сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан икки марта жой эгаллашга улгурди.

Уни қуриш ишлари 1988 йилнинг май ойида бошланган бўлса-да, бироқ унга эҳтиёж анча аввал пайдо бўлган. Гап шундаки, бунга қадар бўғоздан фақат паромлар воситасида ўтилган. Бу эса одамлар ҳаётига хавф туғдирарди. Бунга 1955 йилги фожиани мисол қилиб келтириш мумкин. Ўша йили бўғоз атрофида туман тушиши туфайли икки паром бир-бири билан тўқнашиб кетди. Оқибатда, унинг бортида бўлган 168 киши сувга чўкиб, ҳалок бўлган. Акаси бўғозида сув оқимининг кучлилиги, шамолнинг мунтазам равишда соатига 288 километр тезлик билан ҳаракатланиши ҳамда мазкур жойнинг сейсмик хавфи юқори экани билан боғлиқ омиллар кўприк қурилишини анча вақт ортга сурди. Шу боис мазкур жойда кўприк қуриш масаласида бир тўхтамга келиш олдидан жиддий тадқиқотлар ўтказилди. Бунинг учун эса 30 йил вақт сарфланди.

Акаси-Кайкё қурилиши ўн йил давом этди, қарийб икки миллион қурувчи ва муҳандислар кеча-кундуз меҳнат қилди. Кўприк қурилишига 181 минг тонна темир, 1,4 миллион кубометр бетон сарфланди. Аввалига юз метр чуқурликдаги сув остида баландлиги 70, кенглиги 80 метр бўлган пўлат асослар тортилди. Асослар ўрнатилгач, сув остида бетон қуйиш лозим эди. Бунинг учун эса сувда қотувчи махсус бетон тайёрлаш талаб этилди. Шундан сўнг пўлат арқонларни тортиб турувчи таянч устунлар ўрнатилди. Уларнинг ҳар бири оғирлиги 160 тонна бўлган 90 алоҳида блокдан иборат қилиб қурилган бўлиб, баландлиги қарийб 300 метрни ташкил этади. Уларни сал бўлсада бир томонга оғишига йўл қўймай, текис ўрнатиш талаб этилди. Мазкур устунларнинг катталигини ҳисобга олсак, қурувчилар учун мазкур жараён қанчалик қийинчилик туғдирганини тахмин қилиш қийин эмас. Шунга қарамай, барчаси муваффақиятли адо этилди.

Кейинги босқичда пўлат арқонлар тортилди. Арқонлар йўл қопламаси ва автомобиллар оғирлигини кўтара олиши билан бирга бутун бошли мажмуани қулатиб юбормаслиги учун енгил бўлиши талаб этилар эди. Шу боис ҳар бирининг қалинлиги бир метр бўлган, ўта юқори мустаҳкамликка эга махсус пўлат арқонлар тайёрланди. Оғир пўлат арқонларини тортиш учун вертолётдан фойдаланишга тўғри келди. Шундан сўнг кўприкнинг автомобиллар ҳаракатланадиган қисмини қуришга киришилди. Платформа унда ҳаракатланувчи барча транспорт воситаларини кўтара олиши баробарида кучли тўфонларга ҳам дош бериши керак эди. Автомобиль йўлкасининг усти ва остида босимни меъёрда ушлаб туриш, шамол вақтида тебранишни камайтириш мақсадида кўприк платформаси ораси очиқ блоклардан тайёрланди. Бироқ қурилиш якунланай деб қолган бир пайтда тўсатдан Хонсю оролида кучли зилзила рўй берди. Бу бир томондан кўприк мустаҳкамлигини синовдан ўтказиш учун айни муддао бўлди. Кўприк асоси мўъжиза туфайли зарар кўрмади. Бироқ устунларнинг биттаси бир метрга оғиб кетди. Бу кўприк хавфсизлигига жиддий таъсир этиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, унга айрим ўзгартиришлар киритишга қарор қилинди. Пўлат тўсиқлар ва йўл қопламасини узайтириш ҳисобига камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди. Бугунги кунда мазкур кўприкнинг йўл қопламаси алоҳида секциялар ва автомобиллар ҳаракатланадиган олти йўналишдан иборат.

1998 йилнинг 5 апрелида дунёдаги энг йирик ва чиройли осма кўприк — Акаси-Кайкёнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унинг Кобе шаҳри томонидаги қисми пастида кўргазма маркази ташкил этилди. Унда Акаси-Кайкёнинг қурилиши ҳамда дунёдаги бошқа осма кўприклар тарихига доир маълумотлар акс эттирилди. Кўприк бўйлаб 150 метрга чўзилган, денгиз сатҳидан 47 метр баландликда пиёдалар учун махсус ойнаванд майдонча ҳам ташкил этилган. У ердан бўғоз сувини юқоридан томоша қилиш кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди. Кўприк арқонларига манзарали чироқлар ўрнатилган бўлиб, улар тунда камалак мисол ёғду таратади. Мазкур манзара ипга терилган маржонларни эслатади. Шу боис кўприкни — "Маржон кўприк" деб ҳам аташади.

Бугунги кунда Акаси-Кайкё чин маънода япон халқининг ғурур-ифтихори рамзига айланган. Шу боис кўприкнинг хавфсизлигини таъминлаш учун мутахассислар кеча-кундуз тиним билмайди. Сунъий йўлдош қурилмалари эса ундаги ҳар бир кичик ўзгаришларни қайд этиб боради. Кўприк устидан ўтиш пуллик: ҳар бир автомобиль ҳайдовчиси 20 доллар тўлайди.

Бир сўз билан айтганда, бундай кўприкларни инсоннинг ўзига хос яратувчанлик ва табиат қийинчиликларини енгишга бўлган иштиёқининг рамзи дейиш ҳам мумкин.

**Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

MILLIY TIKLANISH
39 (360) 2015 йил 7 октябрь, чоршанба

Туризм

# Саёҳат ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

**“Ўзэкспомарказ”да 5 октябрь куни “Ипак йўлида туризм” XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди**

***“Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Буюк ипак йўли” реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***



“Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Ф.Ризаев, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори З.Шомоги ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси изчил ривожланаётгани, сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, миллий туристик хизматларни халқаро бозорларга таклиф этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимиз туризм индустрияси қадимийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган. Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари бутун дунёда қадрланади. Юртимизнинг бой маънавий-маданий мероси ва ранг-баранг табиати экотуризм, геотуризм, альпинизм, экстремал, маданий туризм, балиқ ови, рафтинг каби сайёҳликнинг замонавий турлари учун қулай имконият яратмоқда.

Сайёҳлик йўналишлари кенгаяётгани, транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатиш яхшиланаётгани самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар тобора кўпайиб бораётир. 2014 йилда мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 116 фоиз, шундай хизматлар экспорти 120 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида юртимизга келган хорижлик сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 фоиз ўсди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро туризм бозорида муносиб ўрин эгаллаган. Ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилингани, парвозлар географияси кенгайгани юртимизга сайёҳларни жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимиздан Самарқанд ва Қаршига қатновчи юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” поезди сайёҳларга манзур бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистонда 1279 сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 548 меҳмонхона, сайёҳлик базалари ва кемпинглар, 731 сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси туризм индустрияси ривожида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда 1995 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси мамлакатимиз туризм саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг бу борадаги улкан салоҳияти билан таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Испания, Италия, Франция, Швейцария, Латвия, Россия, Польша, Словакия, Чехия, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Вьетнам, Малайзия, Таиланд, Туркия, Доминикан Республикаси, Исроил, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлардан етти юздан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

— Компаниямиз Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида биринчи марта иштирок этмоқда, — дейди Таиланд меҳмонхоналари уюшмаси бош котиби Сучин Жиэнжитлерт. — Ўзбекистонда бизнес юритиш, хусусан, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар яратилган. Таиландда Ўзбекистонга ташриф буюришни истовчилар жуда кўп. Ушбу ярмаркада мамлакатингизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан яқиндан танишиш, Ўзбекистоннинг фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатишни мақсад қилганмиз.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар намойиш этилмоқда. Ярмаркада бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш, гастрономик туризм каби йўналишларга оид бўлимлар иш олиб бормоқда.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” миллий павильонида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Унда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ҳудудий бўлимлари, Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси хизматлари таклиф этилаётир.

— Очиқ осмон остидаги музейимизда кўп минг йиллик меъморлик, халқ амалий санъатига оид доимий кўргазма ва экспозициялар ташкил этилган, — дейди Хивадаги Ичан-қалъа давлат музей-қўриқхонаси вакили Мақсуд Абдурасулов. — 140 дан ортиқ



археологик обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда. Ходимларимиз томонидан меъморий обидалар, ноёб ашёлар ва нодир коллекцияларни сақлаш, ўрганиш ҳамда кенг миқёсда тарғиб этиш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда. Моддий-маданий меросни асраб-авайлаш, илмий тавсифлаш, ёшларимиз қалбида миллий ғурур туйғуларини кучайтиришга хизмат қилувчи янги музейлар, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида миллий маданий меросимизни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш, минтақамизга чет эллик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида жаҳоннинг нуфузли сайёҳлик компания ва фирмалари билан шартномалар тузишни режалаштирганмиз.

Ярмаркага ташриф буюрувчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан ҳам танишиши мумкин. Ярмарка доирасида ташкил этилган “Миллий таомлар фестивали”, “Шарқ бозори”, “Узумнинг қуёшли шингиллари” экспозицияларида иштирокчиларга ўзбек миллий таомлари ҳамда саховатли заминимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар билан танишиш, миллий пазандачилигимизга оид маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган. Анжуман қатнашчилари “Ҳунармандлар шаҳри” бўлимида намойишга қўйилган маҳоратли усталар томонидан нозик дид билан ишланган миллий ҳунармандлик буюмларини катта қизиқиш билан томоша қилаётир.

Ярмаркада таълим туризмига оид алоҳида бўлим ташкил этилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари, қатор касб-ҳунар коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилган. Ушбу бўлимда мазкур таълим муассасалари ва “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ўқув маркази тақдим этилган.

— Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм факультети доценти Маҳбуба Алиева. — Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида ташкил этилган таълим туризми стендларида бу борадаги ютуқ ва имкониятлар яққол намоён бўлмоқда. Факультетимизда меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик маркетинги ва менежменти ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. “Ўзбектуризм” миллий компанияси, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Франция, Греция, Италия, Малайзия каби мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Кўргазма доирасида ташкил этилган “Hosted Buyers” (“Профессионал харидорлар”) дастури учрашувларида хорижий компаниялар раҳбар ва менежерлари мамлакатимиздаги сайёҳлик йўналишлари билан танишиш, ҳамкорлик ўрнатиш ва ўзаро манфаатли шартномалар тузиш имконига эга бўлмоқда.

Ярмарка доирасида “Маданий меросни асраш Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси ривожининг муҳим омили” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва ЮНВТО ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу туризмни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутаётгани таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистоннинг Ипак йўлида туризмни ривожлантиришдаги ўрни, маданий мерос объектларини асраш, ўрганиш, жаҳон миқёсида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, бу орқали туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик соҳасида кадрлар тайёрлашнинг истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермаҳсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда танловлар бўлиб ўтади.

Кўргазмада мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида чет эллик ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорликка оид битимлар имзоланиши кутилмоқда.



**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Помидор кайфиятни кўтаради

**Помидорда қанд, фруктоза, рафиноза, сахароза (2,1 - 6,5 фоиз), органик кислоталар (0,26-1 фоиз), ёғлар, B1, B2, B3, K, P, B6, C витаминлари, каротин, пантотен ва фолат кислота, пектин ва азотли моддалар, минерал тузлар (калий, кальций, темир, фосфор, мис, рух, йод, фтор) бор. 94 фоизи фақат сувдан иборат бўлган бу неъматда маъданли моддалар шунақанги кўпки, уни бемалол “дармондорилар хазинаси” деб аташ мумкин. 100 грамм томат шарбати кишининг C дармондорисига бўлган бир кеча-кундузлик эҳтиёжининг ярмини бемалол қондиради. Бу дармондориларнинг эса киши иммунитетини фаол ушлаб туришда катта хизмати бор.**



Янги помидор ва унинг шарбати парҳез овқат сифатида қўлланиб, моддалар (хусусан, сув-туз) алмашинуви бузилиши, юрак-томир касалликлари ва меъда-ичак йўли фаолияти бузилишида жуда фойдали. Меъда ва ўн икки бармоқ ичак, буйрак-тош касалликларида, организм ҳолдан тойганда янги помидор ва шарбатини истеъмол қилиш керак. А витамини етишмаганда ҳар куни бир стакандан помидор шарбатини ичиш жуда фойдали. Агар бир ош қошиқ петрушка шарбати қўшилса, фойдали хусусиятлари янада ортади. Веналарнинг (варикоз) кенгайишида шифобахш дорилардан ташқари, помидорни икки бўлиб, кенгайган веналар устига қўйиш керак. 3-4 соатдан кейин олиб ташлаб, янгиси қўйилади. Бу эса оғриқни қолдириб, дардни енгиллаштириш имконини беради. Инфекция тушган яралар ва жароҳатларни эзилган помидор билан даволаш илмий жиҳатдан асосланган. Помидорда кучли таъсир қилувчи фитонцидлар бўлгани туфайли йирингли жароҳатларда пишган помидорни эзиб, яллиғланган жойга қўйса, наф беради.

Помидор таркибида кучли антиоксидант — ликопин бор. У юрак қон-томир ва онкологик касалликлардан ҳимоя қилади. Ликопин помидордан кўра ундан тайёрланадиган маҳсулотларда кўп бўлади. Помидор қайнагани ёки буғда пиширилгани сари ундаги ликопин ортиб боради. Масалан, томат пастасида унинг миқдори сабзавотдагига қараганда бир ярим баравар кўп.

Бу сабзавот органик кислоталарга бой. Уни истеъмол қилган кишининг кайфияти кўтарилиб, асабийлашиш ва тушкунлик ҳолатидан фориғ бўлади. Сабаби помидор таркибида “бахт гармони” — серотонин моддаси бор. Қолаверса, помидор ҳазм қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Меъда шираси кислотаси етишмаслиги ва гастрит билан оғриган беморларга, айниқса, фойдали. Помидор ёки томат шарбатини тузсиз истеъмол қилиш юрак-қон томирлари ва қон айланиш тизими касалликларининг олдини олади. Кўз касалликлари пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

БИЛАСИЗМИ?

- Кит юраги бир дақиқада тўққиз марта уради.
- Дунёдаги энг йирик судралиб юрувчи — денгиз тимсоҳи.
- Ҳиндистон кобраси 2,4 метр масофадан туриб ўлжасининг кўзига заҳар пуркай олади.

ТУРФА ОЛАМ

# Бир ғилдиракли скутер

**Канадалик дизайнер Карл Дажэне “Moto Pogo” номли ўзига хос транспорт воситасини омма эътиборига ҳавола этди.**



Мазкур транспорт воситаси мувозанат сақлай оладиган бир ғилдирак ҳамда электр двигателидан иборат. Скутерни буриш, тезлигини ошириш, тўхтатиш танани у ёки бу томонга эгиш ҳисобига амалга оширилади. Ҳайдовчига мувозанат сақлашда микрокомпьютер, гироскоп тизими ҳамда акселерометр ёрдам беради. “Moto Pogo” корпуси тўлиқ алюминийдан ишланган. Скутер 29 килограмм тош босади, 150 килограмм оғирликни кўтара олади. 500 ваттли электромотор машинанинг тезлигини соатига 25 километрга ошириш имконини беради. 60 вольтли аккумуляторлар 3-5 соат давомида тўлиқ қувватланади. Тўлиқ қувватланган аккумулятор воситасида 30 километр йўл босиш мумкин.

# Кўчма меҳмонхона

**Сербияда сайёҳлар учун мўлжалланган дарё ва кўлларда сузадиган, алоҳида хоналарига эга меҳмонхона ўйлаб топилди.**



Бундай меҳмонхонанинг афзаллиги шундаки, унга жойлашгандан сўнг, қайиқчада сузиб бориш, қаерда кўним топиб табиат гўзаллигидан завқ олишни ҳар бир сайёҳ ўзи ҳал қилади. Ҳар бир хона 2-4 киши учун мўлжалланган. Мазкур ғаройиб меҳмонхонада сузиш билан бирга, балиқ овлаб, табиат қўйнида чўмилиш ҳам мумкин. “Salt & Water” компанияси ишлаб чиққан мазкур меҳмонхона ҳозирча лойиҳа шаклида бўлиб, уни қуришга тез кунларда киришилади.

**Наргиза САИДАҲМЕДОВА тайёрлади.**

ММMда

# Тест синовлари сарҳисоби

***Жорий йилда олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналишларига 57907 нафар талаба қабул қилинди, 100 дан юқори балл тўплаган 1433 абитуриент қўшимча равишда талабаликка тавсия этилди.***

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртлари, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовлари якунига бағишланган матбуот анжуманида маълум қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Давлат тест маркази директорининг ўринбосари Қаҳрамон Ҳақбердиев ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши самарасида ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизими яратилгани, кўп тармоқли касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, олий ўқув юртлари ташкил этилганини таъкидлади.

Кейинги йилларда талаба бўлиш истагида бўлган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни жорий йилги қабул жараёнлари ҳам яққол намоён этди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида бўлиб ўтган тест синовларида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 91 мингдан зиёд умумтаълим мактаби битирувчилари иштирок этди. Улар учун 11 фан бўйича ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида 10 мингдан ортиқ тест саволлари тузилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июндаги “2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида қабул жараёнлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, бу йилги қабул жараёнларида абитуриентлар сони бўйича рекорд натижа қайд этилди — 605845 нафар. Ўтган йили эса 543 мингдан зиёд йигит-қиз талаба бўлиш истагини билдирган эди. Ҳар бир талабалик ўрни учун ўртача 10,5 абитуриент даъвогарлик қилди. Жорий йилда Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига энг кўп абитуриент ҳужжат топширди. Бу ерда бир ўринга 25,8 абитуриент тўғри келган бўлса, бу кўрсатгич Термиз давлат университетида 20, Тошкент давлат стоматология институтининг Андижон филиалида 19,2 абитуриентни ташкил этди.

Олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш учун тавсия этилган абитуриентларнинг ўртача ўтиш баллари ҳам ўтган йилгига нисбатан юқори бўлди: давлат гранти бўйича 151,3, (2014 йилда 150,5 балл) тўлов-контракт бўйича 132,1 балл (2014 йилда 130,2).

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия Косон туман кенгаши раиси Алибек Ҳусановга отаси

**Шерали ДОНИЁРОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1025, Адади — 5488. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Умида УЗОҚОВА
**Навбатчи:** Ҳасан САЛОМОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.40.
ЎзА якуни — 22.20.
ISSN 2010-7714
12 45